БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил
2 октябрь
Сешанба
№ 187 (13.623)
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

3.000.000 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁР!

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросида

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросининг навбатдаги мажлисида шу йил ноябрь ойида бўладиган жумҳурият комсомоли XXIV съездига тайёргарлик кўрилишининг бориши кўриб чиқилди. Мазкур масала юзасидан Марказий Қўмитада съездга тайёргарлик масалалари бўйича тузилган ишчи гуруҳлари раҳбарларининг ахборотлари эшитилди. Жумладан, Марказий Қўмита иккинчи котиби ўртоқ И. А. Бибиков қуйидагиларни маълум қилди. 26 сентябрга қадар 33 шаҳар, ноҳия қўмиталарида съезд делегатларини сайлаш бўйича кенгайтирилган пленумлар бўлиб ўтди. Уларда 169 делегат сайланди. Делегатларни сайлаш ошкора ва кенг демократик асосда ўтаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Буни бир ўринга 2-6 тагача номзод кўрсатилиб, улар орасидан бўлажак съездга энг муносиб номзодлар танлаб олинаётганлигидан ҳам билса бўлади.

Шаҳар, ноҳия комсомол қўмиталари пленумларида фаоллар Ўзбекистон комсомолининг Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳаларига ўз муносабатларини билдирмоқдалар ҳамда жумҳурият органлари таркибига номзодлар кўрсатмоқдалар.

Жумҳурият комсомоли Марказий Қўмитаси котиби, ишчи гуруҳнинг раҳбари ўртоқ А. С. Қодиров Марказий Қўмитанинг съездга тақдим этадиган ҳисобот маърузаси ва съездга тайёргарликни матбуот, радио ва телевидение воситалари ёрдамида ёритиб бориш масалаларига тўхталиб ўтди. Съездга тақдим этиладиган маърузанинг бош моҳияти жумҳурият комсомолининг келгусидаги фаолияти концепциясини ёритиб беришдан иборат бўлиши лозимлиги таъкидланди. Марказий Қўмита Бюроси «Ёш ленинчи» ва «Комсомолец Узбекистана» рўзномалари таҳририятига съездга тайёргарлик масалаларини кенгроқ ёритишни топширди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари муҳокамаси ва ўртага қўйилаётган таклифлар юзасидан комсомол Марказий Қўмитаси қошидаги Кадрлар малакасини ошириш институти ректори ўртоқ Р. С. Собиржонов ахборот берди. Шу кунгача комсомол Устави ва Ҳаракатномаси лойиҳалари юзасидан 324 тадан зиёд ҳар хил таклиф билдирилди. Булар орасида кўзда тутилган ташкилот тузилишига чуқур ўзгартиришлар киритиш ва ҳатто ташкилотнинг номини, яъни аталишини ўзгартиришни мақсад қилиб қўйган таклифлардан тортиб, фақат таҳрир характерига эга бўлган таклифлар ҳам бор. Устав ва Ҳаракатнома лойиҳаларини ишлаб чиқиш комиссияси ушбу таклифларнинг ҳар бирини алоҳида эътибор билан ўрганиб чиқиб, муҳокама қилинаётган лойиҳаларнинг низомларини ривожлантирмоқда ҳамда такомиллаштирмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон комсомолида Назорат Комиссиялари ҳақидаги Низомнинг эътибордан четда қолаётганлиги, бу Низом лойиҳаси юзасидан аниқ бирор таклифлар билдирилмаётганлиги ҳақида гапирилди.

Ўзбекистон жумҳуриятида ёшлар сиёсати асосларини ишлаб чиқиш юзасидан комиссия томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ЛКЁИ съездига киритилиши лозим бўлган Қонун лойиҳасини ҳуқуқий томондан такомиллаштириш, иқтисодий асосларини тўлароқ ёритиб бериш бўйича фаолиятни давом эттириш кўзда тутилди.

Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюроси бошқа ишчи гуруҳлари раҳбарларининг съездга тайёргарлик ишларини амалга ошираётган ишлари ва мўлжаллаган тадбирлари ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Марказий Қўмита Бюросида жумҳурият комсомоли фаолиятига боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

«Ҳосил—90»

Жумҳурият далаларида

РЕЖА УДДАЛАНДИ

ҚАРШИ. (Косон ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби Б. МУРОДОВ сим орқали хабар қилади).

«БЛКЕИ XX съезди» номли комсомол-ёшлар давлат хўжалиги пахтакорлари зафар қучдилар. Қабул пунктларига режадаги 1100 ўрнига 1160 тонна пахта топширилиб, йиллик марра уддаланди. Яппи ҳосилнинг 680 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Юз фоиз ҳосил тайёрловчилар томонидан биринчи навга қабул қилиб олинди.

Эришилган меҳнат ғалабасига шартнома асосида ишлаётган 68 та оилавий звенонинг ҳаммаси муносиб улуш қўшди. А. Тошпўлатов, М. Совуров, О. Содиқова, Г. Нормуродова, Ж. Норқулов, И. Хўжақулов бошқараётган жамоалар шулар жумласидандир.

Йиғим-терим мавсумида механизаторлар, айниқса фаоллик кўрсатдилар. Э. Қурбонов, Т. Шукуров, К. Ботиров, Т. Эльмировларнинг ҳар бири шу кунгача 80—90 тоннадан пахта теришга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, кўпмингкилограммчилар ҳаракатида Маърифат Йўлдошева, Маърифат Абдураҳимова, Саодат Ботирова, Гулистон Йўлдошева сингари теримчиларнинг ҳар бири ҳозирнинг ўзидаёқ 4,5-5 тонна пахтани хирмонга топширдилар.

Хўжалик пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб чиқиб, яна 500 тонна ҳосил йиғиб-териб олишга азму қарор қилдилар.

ЯНА 25 ТОННА

Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти, Элликқалъа ноҳияси, Орджоникидзе номли давлат хўжалигининг Гулимбой Нуржонов бошлиқ комсомол ёшлар бригадаси йиллик пахта тайёрлаш режасини ошириб бажарди.

Шу кунгача топширилган 145 тонна ҳосилнинг 70 тоннаси уруғли пахта.

Олтиной Низомова, Тамара Раимбоева, Ширин Раимбоева ва Олтиной Тўхтабоевалар кунига 130—170 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Бригада аҳли мавсум охиригача яна 25 тонна хом ашё йиғиштиришга аҳд қилди.

Раҳим РАЖАБОВ,
Элликқалъа ноҳияси фирқа қўмитасининг мафкура бўлими мудири.



Қизилтепа ноҳиясидаги «Ёш ленинчи» жамоа хўжалиги деҳқонлари биринчилар қаторида пахта йиғим-теримига киришгандилар. Хўжаликнинг Абдураҳим Тўраев бошлиқ бригадаси аҳли дастлабки кунданоқ пешқадамликни қўлга олишди. Хирмоннинг юксалишида илғор теримчиларнинг ҳиссалари алоҳида. Ундайлардан бири Фароғат Ҳосиловадир. У кунига 180—200 килограммдан хом ашё термоқда. Ишчан бу қизнинг нияти 10 тонналик хирмон уйиш.

Ҳозирча унинг терган пахтаси 4 тоннадан ошиб кетди.

СУРАТДА: комсомол аъзоси Ф. Ҳосилова.

Ҳ. ҚУРБОНОВ олган сурат.
Бухоро вилояти.



Тўрт котиб фикри

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ УСТАВИ ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИДАН

Мақсуд ТОИРОВ, Амударё ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Аввало шуни айтиш кераки, Устав лойиҳаси матни русча ёзилиб, сўнг ўзбекчага ағдарилган. Синчиклаб ўқиб чиқсангиз, баъзи ноаниқликлар борлигини кўрасиз. Бир ўринда «Комсомолга 15 ёшдан 28 ёшгача аъзо бўлинади...» — дейиладию, сал ўтмай «истисно тариқасида 15 ёшдан қабул қилиш мумкин, — деган фикр ўртага ташланади.

Майли, булар масаланинг жузъий камчиликлари. Бизга жуда маъқул бўлган ўрни Қорақалпоғистон вилоят комсомол ташкилотига жумҳурият комсомол ташкилоти ҳуқуқи берилиши кўрсатилган банддир. III бўлим 21-бандга қуйидагича қўшимча киритишни таклиф қилардим: **«Агарда бошланғич комсомол ташкилотида уч нафардан оз аъзо бўлгани ҳолда бу комсомол ташкилотини тарқатиб юбориш ҳақида шаҳар ёки ноҳия комсомол қўмитаси қарор қабул қилиши мумкин».**

Ўктамбой РЎЗИЕВ, Боғот ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби:

— Фикримни лўнда қилиб айтиб қўя қолай. «ЎзЛКЁИ аъзолари, уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари бўлими»нинг биринчи сўзбошиси қуйидагича ўзгартирилса маъқул бўларди: **«Жумҳуриятда яшайдиган 15 ёшдан токи 30 ёшгача бўлган, Ўзбекистон ЛКЁИнинг Ҳаракатномавий ҳужжатларини тан оладиган ва Уставини бажарадиган, аъзолик бадалларини тўлаб борадиган ҳар бир йигит ва қиз Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси бўлиши мумкин.»**

Сабаб. Баъзи пайтларда, шароит шуни тақозо қиладиган жойларда, комсомол аъзолари комсомол ташкилоти ишида умуман қатнаша олмайдилар. Аммо, улар ўзлари аъзо бўлган ташкилотни моддий жиҳатдан таъминлаб турадилар, уни ҳурмат қилишади, барча ҳужжатларини тан олишади. Демак, комсомол ташкилоти фаолиятида қатнаша олмайдиган ёшларни ҳам Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолигига қабул қилиш мумкин.

Шунингдек, 2.1. бандда Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоси ЎзЛКЁИ ва БЛКЕИнинг сиёсий, ташкилий ва моддий имкониятларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши кўрсатилган экан, иккинчи бандга шундай қўшимча киритиш керак: **«Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари БЛКЕИ аъзоларидир»**. 4-банднинг охирига қуйидагича ўзгартириш киритиш лозим: **«...Ўзбекистон комсомоли ўз нишонига эга бўлади. Ўзбекистон ЛКЁИ ташкилотлари (вилоят, ноҳия, шаҳар ва бошланғич) қўшимча нишонларга ҳам эга бўлишлари мумкин».**

Гулираъно МАТКАРИМОВА, Хива ноҳия комсомол қўмитасининг иккинчи котибаси:

— Ўзбекистон комсомоли мустақил ташкилот мақомини олиши керак экан, эндиликда Ўзбекистон ЛКЁИ аъзоларининг БЛКЁИ аъзолари ҳам бўлишларига ҳеч бир эҳтиёж йўқ. Бу иккала ташкилот аъзоси деб ишлатишнинг ўзи номига бўлиб, яна ҳаммаси эскича қолаверади. Ана шундан келиб чиқиб, **жумҳурият комсомол ташкилоти аъзолари учун ягона кўкрак нишони таъсис этилиши шарт бўлади.**

5. 2. банд охирида «...агар комсомол аъзоси Ўзбекистон ЛКЁИда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида ариза бермаган бўлса, тўхтатилади», — деб таклиф қилинган ўрни бор. Лекин, 1-боб, 1-бандда эса шундай дейилган: «Истисно тариқасида бошланғич комсомол ташкилоти ...комсомолда бўлиш муддатини узайтириши мумкин». Шунинг учун ҳам берилган аризани бошланғич ташкилот кўриб чиқиб, узил-кесил қарор қабул қилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, мазкур банд охирига **«...ва Ўзбекистон ЛКЁИда бўлиш муддатини узайтириш тўғрисида бошланғич ташкилот розилик бермаган бўлса»,** жумлаларини киритиш керак.

С. ОЧИЛОВ, Тўрткўл ноҳия комсомол қўмитасининг котиби:

— Мен аввало комсомол ташкилотига аъзо бўлганларнинг ёши масаласини жиддийроқ ўйлаб кўришни таклиф қилардим. Яъни, эндиликда 15 ёшдан токи 28 ёшгача эмас, **16 ёшдан 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари бўлишлари кераклигини қатъий белгилаб қўйилса.** Чунки, қўлига етуклик гувоҳномаси тегиш арафасида бўлган, шўро фуқароси паспортини олган ёшлар комсомолга аъзо бўлиб кирişса, қандай яхши. Улар бу даврда сиёсий жиҳатдан етилган ҳам бўладилар.

Фикримча, II бўлим 13-бандни янада аниқлаштириш керак. **Ҳар бир сайлаб қўйиладиган органга сайланган аъзо ўзини сайлаган ташкилот ва аъзолар ўртасида камида тўрт ойда бир маротаба ҳисобот бериб туриши шарт эканлиги кўрсатилиши лозим.** Акс ҳолда юқори органларга сайланган аъзоларни биз йиллаб ҳам кўрмаймиз. Улар йиғилиш, пленумлар ишида қатнашиб, шу билан гўё ўз фаолиятларини давом эттираверадилар. Бешинчи бўлимнинг 7-бандига шундай ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ деб, ўйлайман. **(Ўзбекистон ЛКЁИ аъзолари БЛКЁИ аъзолари ҳам бўлишини назарда тутган ҳолда) «ЛКЁИ сафидан чиқарилган ёш токи икки ой муддат ичида БЛКЁИ Марказий Қўмитасигача шикоят аризаси бериш ҳуқуқига эга».**

Таклифларни «Ёш ленинчи» мухбири Рўзимбой ҲАСАН ёзиб олган.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЭНЕРГЕТИКА ВА ЭЛЕКТРЛАШТИРИШ МИНИСТРЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Жумҳурият ҳудудида жойлашган энергетика ва электрлаштириш тармоқлари корхоналари ва ташкилотларини бошқаришнинг самарали системасини барпо этиш, улар структурасини такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида халқ хўжалигининг электр ва иссиқлик энергиясига талабини қондириш мақсадида «Ўзбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Ўзбекгидроэнергострой» давлат қурилиш-монтаж тресги ҳамда уларнинг мавжуд структура бўлинмалари негизида Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ташкил этилсин.

Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1990 йил 28 сентябрь.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ ШЎРОСИ РАЁСАТИДА

29 сентябрь куни Ўзбекистон ССЖ Олий Шўроси раёсатининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Шўро иккинчи сессиясининг Олий Шўро рўзномаси «Халқ сўзи» («Народное слово») рўзномасини таъсис этиш тўғрисидаги қарорига биноан бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Раёсат рўзномани икки тилда — ўзбек ва рус тилларида чиқаришни мақсадга мувофиқ деб топди.

Сессия тасдиқлагунига қадар СССР халқ депутати, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ҳайъатининг раиси А. Ғ. Мухторов «Халқ сўзи («Народное слово») рўзномасининг муҳаррири вазифасини бажариб туради.



«Халқ сўзи» («Народное слово») рўзномаларининг бош муҳаррири вазифасини бажарувчи, СССР халқ депутати Аҳмаджон МУХТОРОВ.

* * *

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

«Халқ сўзи» рўзномасига 1991 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна баҳоси **бир йилга 17 сўм 40 тийин.**

Олти ойга 8 сўм 70 тийин.

Рўзнома индекси: **64608.**

Обуна «Союзпечать»нинг барча алоқа тармоқларида чекланмаган миқдорда қабул қилинмоқда.

СССР Олий Шўроси Миллатлар Кенгашининг қарори

Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятидаги воқеалар тўғрисида

СССР Олий Советининг Миллатлар Совети СССР Олий Совети Президиумининг топшириғига биноан Ўш вилоятидаги вазиятни жойнинг ўзида ўрганиб чиққан СССР халқ депутатлари гуруҳининг (ўртоқ Г. К. Крючков) ахборотини тинглаб ва муҳокама этиб **қарор қилади:**

1. СССР халқ депутатлари гуруҳининг ахборотидаги асосий хулосалар ва таклифлар га қўшилмоқ керак.

Ўш вилоятидаги оммавий тартибсизликларга, бебошликларга, ваҳшийлик ҳолларига сабаб бўлган ва оғир оқибатларга олиб келган фожиали воқеалар миллий ва кадрлар сиёсатида йўл қўйилган катта хатоларнинг, аҳоли орасида тарбиявий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигининг, ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар ҳал этилмаганлигининг, ижтимоий адолат принциплари кўп ҳолларда бузилганлигининг оқибати бўлганлиги таъкидлансин. Вилоят ва Қирғизистон ССР раҳбарлари жумҳуриятда илгари рўй берган миллатлараро тўқнашувлардан сабоқ чиқармадилар, минтақадаги вазиятга баҳо беришда бепарволик қилдилар ва узоқни кўра олмадилар, миллатчи унсурлар фаоллашганлиги ва можаро етилганлиги тўғрисида тушган хабарларни назар писанд қилмадилар, унинг олдини олиш чораларини кўрмадилар. «Адолат», «Ўш аймоғи» сингари норасмий ташкилотларнинг иғвогарлик фаолияти вазиятнинг кескинлашувига кўп даражада кўмаклашди.

2. Қирғизистон ССР Олий Совети Раиси ўртоқ А. М. Масалиевнинг вайрон бўлган уй-жойлар ва бошқа иншоотларни тиклаш, аҳолини доимий истиқомат жойларига қайтариш ва зарур маиший шароитларни яратиш, одамлар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан жумҳуриятда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин. Жиноят содир этган бевосита айбдорларга қарши жиноий иш қўзғатилди, тергов олиб борилмоқда. Шунга қарамай Ўш вилоятидаги вазият ҳамон мушкул, ниҳоятда хатарли бўлиб қолмоқда. Аҳволни барқарорлаштириш юзасидан кўрилаётган чоралар етарли эмас.

3. Қирғизистон ССР Олий Советига Ўш вилоятида рўй берган воқеаларга принципиал сиёсий баҳо бериш таклиф этилсин. Можаро оқибатларини тугатиш, ўз хатти-ҳаракатлари, одамларнинг эҳтиёжларига нисбатан менсимай муносабатда бўлиш, экстремист, миллатчи унсурларга эрк бериб, хушомад қилиш билан вазиятнинг кескинлашувига амалда кўмаклашиб фожиали оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан янада самарали, аниқ чоралар кўрилсин. Аҳоли ўртасида тушунтириш ва маърифий ишлар кучайтирилсин. Масъулиятсиз унсурларнинг одамларнинг миллий ҳис-туйғулари билан, кўплаб оилаларнинг бошига тушган мусибат билан ўйнашишга ҳар қандай уринишларининг пайи қатъиян қирқилсин. Аҳоли орасида сабр-тоқат билан иш олиб бориш, унинг эҳтиёжларига эътибор бериш, иқтисодиётдаги, ижтимоий ва маънавий соҳадаги, миллатлараро муносабатлардаги барча масалаларни қатъият билан ҳал этиш — бугунги кундаги энг муҳим иш экани назарда тутилсин. Жумҳуриятда истиқомат қилаётган қирғиз, ўзбек ва бошқа халқлар ўртасидаги қардошларча анъанавий дўстлик муносабатлари бузилмаслиги учун барча чоралар кўрилиши зарур.

4. Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон ССР Олий Советларига мазкур жумҳуриятларнинг чегара районларида ва энг аввало яйловларда ердан фойдаланишдаги низоли масалаларни ўзаро мақбул тарзда ҳал этиш йўлларини ҳеч кечиктирмай кўриб чиқиш тавсия этилсин.

5. СССР Министрлар Кенгаши оммавий тартибсизликлар оқибатларини тугатишда Қирғизистон ССРга ёрдам бериш ҳақида, шунингдек жумҳуриятдаги ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш ва энг ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этиш истиқболларини ўрганиш тўғрисида қарор қабул қилганлиги маълумот учун қабул этилсин.

6. СССР Бош прокурори, СССР Ички ишлар министрлиги, СССР Давлат хавфсизлиги комитети миллий адоватни авж олдиришда ва бошқа хил жиноятларни содир этишда айбдор бўлган барча шахсларни жавобгарликка тортиш, шунингдек терговни жадаллаштириш ва уни қонунда белгиланган муддатда тугаллаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўрсинлар. Ўш вилоятидаги бебошликларнинг ташкилотчилари ва қатнашчилари устидан суд ишларини зарур даражада тайёрлаш ва уларнинг кенг ошкоралигини таъминлаш зарур деб ҳисоблансин.


Қирғизистон ССР халқ депутатлари Советлари ва уларга бўйсунувчи идоралар мамлакатнинг бошқа минтақаларидан юборилган тергов ва оператив ходимларнинг, шунингдек жамоат тартибини сақлаётган Совет Армияси ҳарбий хизматчиларининг ва Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг фаолияти учун зарур шарт-шароитни таъминласинлар.

7. Оммавий-ахборот воситалари раҳбарларининг эътибори миллий ва диний негизда рўй бераётган можаролар билан боғлиқ воқеаларни ёритишга холисона, вазминлик билан одоб доирасида ёндашиш, айниқса муҳим аҳамиятга эга эканлигига қаратилсин, воқеалар бузиб кўрсатилишига, айрим минтақаларда вазиятни кескинлаштиришга кўмаклашиши мумкин бўлган мақолаларнинг эълон қилинишига йўл қўйилмасин.

8. Миллатлар Советининг Миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясига жумҳуриятлар ва мухтор тузилмаларда миллатлар ўртасидаги, шунингдек жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатларда рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил қилиш, ушбу масалаларни ўз вақтида СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этиш вазифаси топширилсин.

Миллатлар Советининг Раиси Р. НИШОНОВ.

Москва, Кремль,
1990 йил 26 сентябрь.



ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўтган жума куни рўзномамиз масъул котиби Турғун Эргашевич НАЗАРОВ Андижон вилоятининг Балиқчи ноҳиясида ўтадиган «Ёш ленинчи» байрамида қатнашувчи таҳририятимиз вакиллар гуруҳига етакчи сифатида сафарга отланган эди. Бугун Фарғона водийсидан қайтган масъул котибимизни пойтахтда хушхабар кутиб турарди. Турғун Назаров Ўзбекистон ССЖ Олий Шўросининг янги ташкил этилган «Халқ сўзи» рўзномасига масъул котиб этиб тайинланди.

Ўз ижодий фаолиятини бундан қарийб чорак аср муқаддам «Ёш ленинчи» рўзномасида бошлаб, бугун жумҳурият олий ҳокимиятининг бош нашрида масъулиятли лавозимга тайинланган ҳамкасбимизни чин дилдан қутлаймиз!

ҚОРИН ҒАМИ — ОҒИР ДАРД

1

Хайрият, портлаш бўлмади. 1 июлга тўғрилаб қўйилган соат миллари ҳалокатли нуқтага бир сония қолганда бир қалқиб юришдан тўхтади. Мина зарарсизлантирилди. Номаълум муддатга...

Қўрқувдан чанғаллаб турган нонига тирноқлари ботган болакайга кўпни кўрган қария танбеҳ берди: «Нонга бунчалар озор берма, гуноҳ бўлади...».

Сап бўлмаса, ҳаммамиз гуноҳга ботар эдик-а...

Савол туғилади: Хўш, бозор иқтисодиётига ўтиладими, йўқми! Борди-ю, ўтилса-чи!

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси мухбир аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Саидаҳрор Саидаҳмедович ҒУЛОМОВ мухбиримиз билан суҳбатда шу масала юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирди.

— Социализм ўзининг имкониятларини тугатиб бўлди, жамият боши берк кўчага кириб қолди, деб башорат қилувчилар бу фикрнинг исботи учун мамлакат иқтисодиётидаги қийинчиликларни мисол қилиб кўрсатадилар. Мана бугун энди ҳукумат бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш инқироздан чиқишнинг ягона йўли, биз учун охирги имконият, деб турибди. Саидаҳрор Саидаҳмедович, сиз бундан бўлак йўл йўқлигига ишонасизми!

— Бозор муносабатларига ўтиш ёки ўтмаслик тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Ўзаро рақобат орқалигина истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари қондирилишини жаҳон тараққиёти кўрсатиб турибди. Сифатли ва етарли маҳсулот ишлаб чиқарилмаса, нарх-наво ошиб кетишини бугунги кунимиз тасдиқлаяпти.

Бир сўз билан айтганда, пулнинг умумий қадрсизланиш жараёни чуқурлашиб бораяпти. Бу ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас. Кута-кута шу кўйга тушиб қолдик. Ортиқ кутиб бўлмайди.

Лекин хоҳишнинг ўзи билан иш битмайди. Авваламбор ижтимоий кафолатни таъминлайдиган қонунлар мажмуасини яратиш ва уни умумхалқ муҳокамасидан ўтказиб, тасдиқлатиб олиш лозим. Ҳам ишлаб чиқаришда, ҳам истеъмолда бугун биз бошдан кечираётган оммавий тақчиллик вазиятида бозор муносабатларига ўтсак, бемаънилик бўлур эди. Нархнинг ошишидан бошланадиган бозор муносабатларини ҳеч бир халқ қувониб кутиб олмайди. Афсуски, ҳозир шундай хавф бошимиз узра муаллақ осилиб турибди. Истаган пайтда тушиб, бизни майиб қилиши мумкин.

Яна такрор айтаман. Бизни олдинда нима кутаётганини аниқ тасаввур этиш қийин. Таваккал қилишга эса ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Чунки бу тадбир бутун мамлакат ҳаётига ва шу мамлакатда яшаётган 300 миллионли турли миллат кишилари ҳаётига бевосита таъсир этади.

— Эҳтимол, ана шу мулоҳазаларга бориб, бозор муносабатларига ўтиш муддатлари кечиктирилгандир!

— Лекин бундан ҳукумат ўз қароридан бутунлай воз кечди, деган маъно келиб чиқмайди. Чунки ҳукуматда халққа тақдим қиладиган бошқа таклифнинг ўзи йўқ. Фақат бу гал бошланиб кетган қизғин мунозараларда айтилаётган фикр-мулоҳазалар иложи борича ҳисобга олинади, деб ўйлайман.

— Саидаҳрор Саидаҳмедович, сиз Москва таълимини олган олимсиз. У ерда устозларингиз, ҳамкасб дўстларингиз бор. Улар нима дейишяпти!

— Улар ҳам баҳслашиб ётишибди. Лекин бир нарса аниқ. Бугун ётиб, эртага бозор мулоқотида уйғониш хомхаёл. Хазм бўлиши қийин. Ахир бироз бўлса-да, яшаб турган бозорлар ҳам 70 йил ичида йўқотиб юборилди-ку! Энди бошқа халқларга етиб олишимиз осон бўлмайди.

Эҳтимол, бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги таклиф 1985 йилда, одамларда янгиликларга ташналик жўш уриб турган апрель воқеалари асносида ўртага ташланганда ҳозиргидек оғир кечмасмиди. Гарчанд ҳукумат биз бу кунга беш йил тайёрландик, деб ишонтирмоқчи бўлсада, бу гапларнинг самимийлигига халқ ишонмаяпти. Ширкат ҳаракатидаги нуқсонлару, очиқдан-очиқ фирибгарликлар одамларнинг юрагини олиб қўйди.

Тақдим этилган ҳукумат дастури методологияси пухта эмаслигини эндиликда махсус билимга эга бўлмаган кишилар ҳам билиб олишди. Бозор бўлгандан кейин у ерда ишлаб чиқариш воситалари, пул биржаси, ишчи кучи биржаси, банк системаси деган нарсалар бўлади. Буларни яхлит ҳолда тасаввур этиш, бу ҳақда кўникма ҳосил қилиш аста-секин амалга ошадиган жараён. Одамлар эса, бундай ўзгаришларга тайёр эмас. Етарли даражада маблағ ҳам йўқ. Қанақа методология ҳақида гап бўлиши мумкин? Ўтиш керак, деган кўрсатма бор, холос. Уни ҳеч ким инкор этаётгани йўқ. Аммо бизни маъзур тутасизлару, бозор бу иқтисодий масала, буйруқбозлик кетмайди бу ерда, дейишмоқда иқтисодчилар. Ҳамма ишда буйруққа таяниб келинган эди, энди лоақал бозор муносабатларига ўтишда бундай бўлмаслиги лозим.

— Яъни, одамларнинг ўзи бозорга эҳтиёж сезгандан кейингина ўтиш керак, демоқчисиз-да!

— Албатта. Бозорни халқ амалга оширади. Бизда эса ҳозирча ширкатлар, ижарачилар, давлат корхоналари ва истеъмолчилар ўртасидаги алоқани мувофиқлаштирувчи механизм йўқ. Устига устак, жумҳуриятимиз Президенти таъбири билан айтганда, «Бозор муносабатларига ўтиш даврининг барча қийинчиликлари тўғрисида рўй-рост ва очиқ айтиладиган бўлсагина, айниқса, аҳоли қашшоқ табақаларининг ижтимоий ҳимояланишига кафолат берилсагина, одамлар буни тушуниб етишлари ва қабул қилишлари мумкин...»

— Ва Президент «Бунда айрим жумҳуриятлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш пайтидаги аҳволини ҳисобга олиш жуда муҳимдир» деб таъкидлайди.

— Бу бежиз эмас. Бизда бири-бирини инкор этувчи икки хил арифметика мавжуд. Деярли барча соҳалар бўйича йиллик режалар бажарилсада, аҳоли жон бошига олинадиган даромад бўйича иттифоқдош жумҳуриятлар ўртасида сўнгги ўринларда эканлигимизга нима дейсиз? Гўшт, сут маҳсулотларини қўя турайлик, ҳатто боғу бўстон Ўзбекистонда яшаб, москваликлардан камроқ ҳўл мева истеъмол қилишимизга-чи? Ёғ ичида

2

яйрамаган, деб шуни айтсалар керакда!

Кейинги пайтларда қандай ишлаётган бўлсак, шундай яшаяпмиз, деган ғалати гаплар қулоққа чалиниб қолди. Мен буни таҳқирлаш, деб биламан. Оғзига кучи етмаганларнинг иғвоси бу. Бундан чиқадики, бизнинг шўрпешона пахтакорларимиз ёмон ишлаётганликлари учун ёмон яшаётган эканлар-да? Унда миллион-миллион тонна пахтани ким етиштираяпти? Олтинини, уранини, газини, мармарини ким қўш-қўллаб тутқазаяпти?!

Ҳамма бало шундаки, шу пайтгача бизни алдаб келишди. Соғин сигирга айлантиришди. Чўмичдан қоқишди. Пахтамизу пилламизни, мевамизу қоракўлимизни арзимаган нархда сотиб олишди. Камсуқум бўлиб яшашга, борига шукр қилиб яшашга ўргатишди, шунга мажбур этишди... Қорни нонга тўймаса-да, содда деҳқон «зангори экран» қаршисида булбулигўё бўлиб, фаровон турмушга ҳамду сано ўқиб чарчамади. Турмуш азобларига чидолмаган аёллар ўзларига ўт қўйганларида эса, бу феодал эрнинг зулми, деб баҳоланди. Аслида гап нимада эканлигини ўшанда ҳам билардик-ку!

Мана бугун жумҳуриятимиз раҳбарлари халқ хоҳиш-иродасини ифодалаб, ижтимоий адолат тантанаси учун турли доираларда кураш олиб бораяптилар. Катта карвоннинг ортида қолмаслигимиз учун, иттифоқдош жумҳуриятлар билан тенг шароитда бозор иқтисодиётига ўтишимиз учун бизга 10-15 миллиард сўм миқдорида берилиши лозим. Менга қолса, бу пулларни дотация демасдим. Бу ерда гап йиллар давомида биздан ташиб кетилган маблағлардан бизга тегишли қисмини қайтариб олиш тўғрисида кетяпти. Ўзбекистон чет эл мулоқотида учинчи ўринни эгаллашини ҳамма ҳам билмаса керак. Хорижий мамлакатлар эса СССРдан 80 миллиард қарздор. Бу пулларнинг каттагина қисми Ўзбекистонга тегишли. Бинобарин, дотация деганлари аслида ўз улушимиздир...

— Ошкоралик даврида сукунат жуда яхши эшитилар экан. Нега шу пайтгача ҳукумат сукут сақлаб келди!

— Бундай сукутнинг маъносини нафақат бизда, Қозоғистонда ҳам, Украинада ҳам, Россияда ҳам ечмоқчи бўлишяпти. Биз камроқ бериб, кўпроқ олдик, дейдиган жумҳуриятнинг ўзи қолмади. У ҳолда ўртадаги нисбат қаёққа кетди? Бунга ҳали-вери қониқарли жавоб бўлишига шубҳам бор. Эҳтимол шунинг учун ҳам ҳукумат сукут сақлаётгандир...

— Яқинда марказий рўзномалардан бирида босилган мусоҳабани ўқиб қолдим. Совет журналистининг «Биз ҳам қачонлардир бизнес билан шуғулланишни ўрганиб олармиканмиз!» деган саволига бизнесмен, қаранг, нима деб жавоб берибди: «Совет Иттифоқида капитализм Ғарбдаги исталган мамлакатдагидан шафқатсизроқдир».

— Жуда ошириб юборибди бизнесмен. Лекин нимага шаъма қилаётганини тушунса бўлади. Дарҳақиқат, шу пайтгача капитализмга хос иллатлар деб қоралаб келганимиз нарсалар — иқтисодий инқироз, миллий низолар, пулнинг қадрсизланиши, ишсизлик ва қашшоқлик, ижтимоий кафолат ва эртанги кунга ишончнинг йўқлиги — буларнинг ҳаммаси эндиликда бизни ҳам исканжасига олиб турганини инкор этиш қийин. Социализм шароитида, бу айниқса, шафқатсизликдир.

— Нима қилиш керак энди!

— Ишлаш керак. Садақа кутиб кун кўриб бўлмайди. Одамлар дангаса, лаёқатсиз, деган таъналар мутлақо нотўғри. Бажараётган ишида маънавий ва моддий манфаатдорлик бўлса, у ишлашни, ижод қилишни билади. Ҳар кимга меҳнатига яраша деган социалистик принцип тикланган кундан бошлаб, ўйлайманки, натижа ҳам бошқача бўлади. Ҳар бир ишчи ўз гоҳини авайлайди, сотувчи харидор ҳақига хиёнат қилмайди, қурувчи шинам бинолар бунёд этади. Талаба эса...

— Астойдил ўқийди. Чунки у биладики, етук мутахассисларга кўпроқ маош тўланади.

— Шундай. Бозор муносабатлари ана шу принципларнинг инъикосига айлансагина умумхалқ қўллаб-қувватлашига сазовор бўлади. Акс ҳолда, ҳукуматнинг бу тадбири навбатдаги муваффақиятсиз уриниш сифатида танқидга учрайди.

— Бизда иқтисодчилар кўп, лекин иқтисодиёт йўқ, дея отилаётган таъна тошларидан хабардорсиз, албатта.

— «Ғат-ғат қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи» денг? Тўғри, иқтисодчиларда ҳам айб бор. Бугунги кунни олдиндан кўра билишлари, касалнинг олдини олиш учун сабот-матонат кўрсатишлари лозим эди. Лекин давлат тепасида ўтирган ишбошилар — буюртмачилар «аввал иқтисод, кейин сиёсат» деган марксча таълимотни унутиб, шон-шуҳрат кетидан қувган бўлсалар, улар айбдорми? Аср қурилиши — БАМни эсланг. Неча миллиардларнинг бошига етди у. Ноқоратупроқ-чи? Қани, сарф қилинган сўмларнинг самараси? Беҳад ҳарбий харажатларга сабаб бўлган Афғонистон воқеалари мамлакатни ўтказиб қўймадими ахир?! Чернобиль фалокати, Арманистон зилзиласи, қатор фожиалар ўлганнинг устига тепган бўлди-ку! Одамларнинг хаёлини паришон қилган миллий низолар-чи?..

— Эртага нима бўлишини билмай яшашдан оғир нарса йўқ.

— Ўйлайманки, Ўзбекистон халқ ноибларининг иккинчи сессиясидан кейин одамлар ҳаётга кечаги кундагига қараганда ўзгачароқ кўз билан боқадиган бўлиб қолишди. Дилларда умид уйғонди. Турмуш яхшиланишига, дастурхон тўкинлашишига ишонч ортди. Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Қозоғистон ва Ўрта Осиё жумҳуриятларининг олий даражадаги кенгаши бу ишончни янада мустаҳкамлади. Тўғри йўлдан кетаётганимизга шубҳа йўқ.

— Аммо муаммолар кутиб турмайди-да!

— Чумчуқдан қўрққан дон сепмайди. Биз сепмоқчи бўлган дон, бу миллий ўз-ўзини англашдир. Яъни, энди биз Ибн Сино, Фаробий, Фарғоний, Беруний, Хоразмий, Навоий, Бобур... аждодлари бўламиз, деб қуруқ чираниш билан узоққа боролмаймиз. Бобокалонларимизга муносиб бўлишни ўйлайдиган фурсат етиб келди. Бунинг учун эса, авваламбор қорин ғами — оғир дарддан фориғ бўлиб олишимиз керак.

— 9 миллион қашшоқ. 1 миллион ишсиз. Қандай даҳшатли рақамлар!

— Матбуотда 1 миллион дейишяпти. Аслида ишсизлар сони 1,5 миллионга боради. Чунки, билишимча, Меҳнат давлат қўмитаси ҳам ишсизлар тоифасига кимлар киради, деган саволга сўнгги жавобни айтганича йўқ. Янги ишдан бўшатилганларми, уйда ўтирган аёлларми, билим юртлари ва техникумни битириб, иш қидириб юрганларми — бу тўғрида бирор тўхтамга келмай туриб, ишсизлар сонини аниқлаш ҳам, ишсизликка барҳам бериш ҳам қийин. Бозор муносабатларига ўтадиган бўлсак, бу масала янада жиддий тус олиши мумкин. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида, маълумки, ҳеч бир корхона, идора ва хўжалик ортиқча ишчи кучини тутиб турмайди. Малакали ва сифатли

3

маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир кишиларгина қадр топади, у пайтда.

Ишсизларни нафақа билан таъминлаш босқичлари ва шартлари ҳам қиёмига етмаган. Менимча, нафақа деганимиз товар билан мувозанатда ё ўсиб, ё камайиб бориши лозим.

— Бозор иқтисодиёти мулкчиликнинг турли шаклларда бўлишини тақозо этади. Ҳозир эса, давлат мулки 90 фоиздан зиёдини ташкил этади. Бозор муносабатларига ўтилгандан кейин аҳвол ўзгаради, албатта. Шаклдан шаклга оғриқларсиз ўтиш учун бизга қандай нисбат тўғри келади!

— Бу жуда мураккаб ва биз фақат тахмин қилишимиз мумкин бўлган муаммо. Ҳозирдаёқ ўзини оқламаган, синган корхоналар ва хўжаликлар сотила бошланди. Тўғри, ҳали янги хўжайинлар оқибатини олдиндан айтиш қийин бўлган юмушга ўта иштиёқ билан, тиззагача ботгудек бўлиб киришганлари йўқ. Лекин маълумки, бозор иқтисодиёти ўзаро рақобатдан сув ичади. Рақобат бор жойда эса кимдир ютади, кимдир ютқазади.

Шунинг учун давлат мулки билан хусусий мулк ўртасидаги нисбат исталган лаҳзада у ёки бу томонга оғиши мумкин. Қайси томон ўзини кенгайтиролса, замонавий технологияни ишлаб чиқаришга жорий эта олса, сифатли ва арзон маҳсулотлари билан истеъмолчиларни ўзига оғдира ололса, ўша томоннинг мулкка эгалик ҳуқуқи мустаҳкамланиб, таъсир доираси ҳам кенгайиб бораверади.

— Демак, хусусий мулк устунлик қилар экан-да!

— Буни вақт кўрсатади. Лекин бир нарса аниқ: давлат транспорт, алоқа, энергосистема, информатика, ер ва нарх-навони белгилашга бўлган ҳуқуқини ким ошди савдосига қўймоқчи эмас. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай шароитда ҳам иқтисодиётнинг муҳим бўғинлари давлат тасарруфида сақланиб қолади. Нисбатни энди ўзингиз чиқариб олаверинг...

— Иқтисодий муносабатлардаги туб ўзгаришлар турли бозорларни вужудга келтиради: информатика бозори, ишчи кучи бозори, ишлаб чиқариш воситалари бозори, пул бозори... Улардан қайси бирини олдин ривожлантириш керак!

— Умумий бозорни ташкил қилишнинг бирламчи шартларидан бири, бу иқтисодий информатикадир. Информатикасиз бозор муносабатлари ҳам бўлмайди. Ҳар бир корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни кўпроқ, қимматроқ ва тезроқ сотсам дейди. Бунинг учун у қандай маҳсулот харидоргир эканини, жаҳон бозорида у қанча баҳоланиши ҳамда у ёки бу бозорда қандай нархда сотилишини олдиндан билмоғи даркор. Зеро, бозордан илгари иқтисодий информатика ривожланмас экан, бозор муносабатлари ҳам бўлмайди.

Бугун бизнинг дўконларимиз пештахталари ҳувиллаб турганлиги ва айни вақтда, омборларда қанчадан-қанча халқ учун кераксиз моллар босилиб ётганлиги ҳам ўша мен айтган иқтисодий информатиканинг яхши ишламаганлиги ёки у олдиндан берган маълумотларнинг манфаатдор масъул шахслар томонидан эътиборсиз қолдирилганлиги оқибатидир. Шунинг учун айрим назариётчилар бозор иқтисодиётига ўтганимиздан кейин ҳам информатиканинг давлат монополияси бўлиб қолиши яхшиликка олиб бормайди, деган фикрни айтмоқдалар. Аммо нима бўлганда ҳам энди бошқа бозорлар — пул-акция, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари ва ҳоказо бозорлар иқтисодий информатикасиз кун кўролмайди.

Биз айтмаган яна бир бозор бор. У мутахассислар бозоридир. Моҳиятига кўра у информатика бозоридан кейинги ўринда туради. Чунки пул, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воситалари бўлса-ю, мутахассислар бўлмаса, ҳаммаси бекор. Хом ашё увол кетади, ишчи кучи беҳуда сарфланади, ишлаб чиқариш воситалари эскиради, аммо мутахассиссиз барибир сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилмайди. Сифатсиз маҳсулот эса, ҳеч кимга керак эмас.

Менинг билишимча, кейинги ўринларда ишчи кучи, пул-акция бозорлари туради. Лекин бу, биттаси олдин, қолганлари беш-ўн йилдан кейин ривожланса ҳам бўлаверар экан, деган маънони англатмайди. Бу бозорлар ёнма-ён бориши ва бир-бирини мазмунан бойитиб туриши керак. Жадаллаштириш зарурати туғилганда эса, юқорида айтиб ўтганим тартибга риоя қилинади.

— Чет эл капиталини жалб қилиш масаласига қандай қарайсиз! Хусусан, жумҳуриятимиз учун қайси мамлакатлар билан иқтисодий алоқа ўрнатган маъқул. Демоқчиманки, улардан қай бири камроқ алдайди!

— Гапимни саволнинг охирига жавоб беришдан бошлай қолай: пишиқ бўлмасак, ҳаммаси ҳам алдайди. Лекин бу, алоқа ўрнатмаслик керак, деган сўз эмас. Етар энди шунча биқиқликда яшаганимиз. Қолаверса, бу мулоқотга нафақат бизда, балки чет элларда ҳам интилиш борлигини таъкидлаш лозим.

Шунинг учунки, биринчидан, бизда арзон ишчи кучи мавжуд. Иш қидириб юришибди. Агар Ўзбекистонда бўлса, ҳар қандай оғир меҳнатдан бўйин товлашмайди.

Иккинчидан, иқлимимиз Россияга нисбатан мўътадил бўлганлиги ҳам чет эл капиталини қизиқтирмоқда. Бино ва иншоотлар қурилиши арзонроққа тушади. Ҳатто икки-уч баравар. Пахта тозалаш заводларини қаранг, брезент тутиб ишлаб ётишибди. Инфраструктурага бунақа кам сармоя сарфланадиган жойни капиталист яна қаердан топади?

Учинчидан, ер ости ва ер усти бойликлари шундоққина ёнида, узоққа бориб ўтиришга ҳожат йўқ. Назария бўйича эса, корхоналар хом ашёга яқин ерда жойлашиши лозим. Мамлакатнинг у бурчидан бу бурчига хом ашё ташиб юриш қип-қизил тентаклик.

— Бизда ҳозир шунақа бўляпти...

— Шунинг учун ҳам унумдорлик йўқ-да. Буни амалга ошириш учун қанча одам беҳуда куч сарфлаётганини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Аслида транспорт ёқилғи ва маданий-маиший молларни, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ташиши керак. Корхоналар ва хўжаликлар ўртасида ўрнатилган сунъий иқтисодий алоқалар ҳеч қачон фойда келтирмайди. Ҳеч бирига. Сарф-харажат кўпаяди, таннарх кўтарилади ва охир оқибатда бундан аҳоли жабр чекади. Ақл билан иш юритилса, ҳозир 15 сўмга тушаётган кўйлак 5 сўмга айланиши мумкин.

Тўртинчидан, чет эллик бизнесмен сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилишига асло тоқат қилолмайди. Шунинг учун ҳам у ишлаб чиқаришга янги технологияни жорий этиш, замонавий дастгоҳларни ўрнатишга ҳаракат қилади. Бугина эмас, у ишчилар ва мутахассислар малакасини оширишдан манфаатдор шахс сифатида иш кўради. Шу тариқа жумҳуриятимизнинг илғор технология ва малакали кадрларга бўлган талаби муайян даражада қондирила боради. Қолаверса халқнинг кўзи очилади, дўкон пештахталари мўл ва сифатли моллар билан тўлади.

— Жумҳуриятимизда чет эл фирмалари билан шерикчилик асосида ишлаётган корхоналар борми ҳозир!

— Бор. Лекин кўп эмас. Марказ йўл бермаяпти. Ваҳоланки, Иттифоқда бундай қўшма корхоналар 1,5 мингга етаяпти. Ва яна кўпайиб бораётир. Ўйлаб, кишининг фиғони ошади: нега уларга мумкину, бизга мумкин эмас!

4

Ахир бу ерда тўкинлик бўлса, марказнинг ҳам қулоғи тинч бўлади-ку! Барчага бир хил кўз билан қаралмас экан, умумий хонадонимиз — Иттифоқда барака бўлмайди. Айниқса, бозор иқтисодиётига ўтганимиздан кейин...

— Мана сиз яқинда Хитойда бўлиб қайтдингиз. Таассуротларингиз қандай!

— Хитой қайта қуришни биздан илгари бошлабди. Ҳар хил мулкчиликка, шу жумладан хусусий мулкчиликка йўл берилибди. 98 фоиз ер якка тартибдаги оилавий пудрат аъзоларининг ихтиёрида эканлигини эшитиб, ҳайратдан ёқа ушладик. Бизга кейинги ўн йил ичида камбағал деҳқонлар сони олти баравардан зиёдга камайганлигини фахрланиб сўзлаб беришди.

Айниқса, ишсизликка барҳам бериш соҳасида эришилган ютуқлар салмоқли. Кейинги йилларда фақат қишлоқларнинг ўзида 80 миллиондан зиёд киши иш билан таъминланган. Бундан ташқари, Хитойда амалга оширилаётган «очиқ эшиклар» сиёсати ва чет эл капиталининг имтиёзли шартлар бўйича жалб қилиниши ҳам ишсизлар сонини камайтиришга катта ҳисса бўлиб қўшилганлигини эшитдик. 14 та шаҳар, вилоятда бевосита хориж билан савдо-сотиқ алоқаларининг йўлга қўйилганлиги эса, ноёб молларнинг Хитойга «оқиб» келишига сабаб бўлмоқда. Хитой аввал бошданоқ кадрларни биздан тайёрлайсизлар, деб шарт қўйганлиги учун ҳам чет эл фирмалари билан биргаликда барпо этган корхоналарда асосан хитойликлар меҳнат қилишаётир.

Ҳунармандчилик, atторлик каби расталар, қатор кетган дўкончалар, хилма-хил таомлар пишиб турган ошхоналар менга бир замонлар Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон шаҳарларига хос бўлган манзарани эслатди. Нарса қидириб, навбатда туриш йўқ. Дўкончалари ҳам, ошхоналари ҳам кўчма. Қаерда харидор бўлса, ўша ерда ҳозиру нозир.

Яна бир гап. Хитойда бўлганимда беихтиёр ўйлаб қолдим. Эҳтимол, бизда ҳам велосипед қатнови учун махсус йўллар ажратиб, аҳоли ўртасида ташвиқот ишлари олиб бориш керакмикан, деб. Шаҳарларда аҳоли тобора ўсиб боряпти, машиналар миқдори ҳам. Экология бузиляпти, ҳаво ифлосланяпти. Натижада турли касалликлар пайдо бўлаётир. Велосипед эса, кони фойда. Ҳайдовчининг соғлигига ҳам, атроф муҳитга ҳам...

Биз иқтисодиёт деймиз. Иқтисодиёт нимадан бошланади? Аввало халқнинг соғлигидан. Соғлом одам ўқиб, ишлаб, бирор нарса яратиб, бошқаларни боқишга ярайди. Акс ҳолда, бутун халқнинг югур-югури носоғлом бўлагини таъминлашдан иборат бўлиб қолади. Нафақа олувчиларнинг сони кўпайиб бораверади. Бу аҳволда қанақа иқтисодиёт бўлиши мумкин?

Қизиқ. Ёшлар ҳам, қариялар ҳам мева оламан, деб дарахтни парваришлашга вақт топишади. Пайидан бўлишади. Биров тегмасин, деб эҳтиёт қилишади. Ёнида фарзанди ёки невараси чопиб юради — оёқяланг, яланғоч: зах босиб, чанг тўзғитиб — унга дарахтчалик эътибор бўлмайди.

Соғлиғи яхши бўлмаган, мияси яхши ишламайдиган одам барибир қул бўлади.

Қадим замонларда ҳам бойлар ўғли аҳмоқроқ бўлса, давлатини унинг қўлига бериб қўйган эмас. Мана сенга бойлигимнинг бир бўлаги, ол-да, маишатингни сур; қолган қисмини бошқарувчимга берсам, у бойлигимга бойлик қўшади, эҳтиётини қилади, деган. Қаранг, ҳатто ўғилга ҳам бермаган-а?..

Демак, бойлик тургандами, ёки уни ишлата билгандами? Иқтисодчилар айтмоқчи, капиталнинг обороти бор: товар-пул-товар штрих. Ёхуд пул-товар-пул штрих. Штрих нима эканлигини иқтисодчилар яхши билишади. Яъни, пул ҳам, товар ҳам ўз-ўзича кўпайиб қолмайди, уни мутахассис кўпайтиради.

— Мутахассис эса кўчада ётмайди. Уни тайёрлаш керак. Саидаҳрор Саидаҳмедович, сиз етакчилик қилаётган Тошкент халқ хўжалиги институтида бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти! Ўқув жараёнига ўзгартишлар киритиладими!

— Афсуски, ўқитиш технологиямиз яроқсиз ҳолга тушиб қолганлиги, ўқув жараёнини тубдан яхшилаш зарурлиги юзасидан қатор огоҳлантиришларимиз шу пайтгача эътиборга олинмай келди. Оқибатда, яна вақтдан бой бердик.

Олий ўқув юртларини компьютерлаштириш режалари ҳануз ўлда-жўлда бажарилмоқда. Бирида ундоқ, бирида бундоқ. Ваҳоланки, ўзига тўқ хўжаликлар валюта эвазига чет эллардан сотиб олган компьютерлар омборларда чанг босиб ётибди. Қанийди, бизга тухфа қилишса! Чет элларда бизнес эгалари, корхоналар шундай қилишади. Пул билан, технология билан ёрдам кўрсатиб туришади... Арзонроқ нархда сотишса ҳам рози эдик. Ахир бугун ўша компьютерда таҳсил олган талаба эртага мутахассис сифатида қаергадир, балки ўша хўжаликка ишлагани боради-ку!

Шундай бўлса-да, қараб турганимиз йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ишчи программаларини ўзгартирдик. Талабалар сессия пайтигача олдиндан мустақил равишда тайёрланиб боришлари учун саволлар ташкил қилдик.

Ҳозир домлалар ҳам ўқишмоқда. Ўтган йили ширкатлар воситачилигида Москва Давлат халқаро муносабатлар институти, Москва халқ хўжалиги институти, ва Москва молия институти профессор-ўқитувчиларини таклиф қилиб, икки ҳафталик курслар ташкил этдик. Бу йил ҳам шу ишни қилдик. Москвалик домлалар бозор иқтисодиёти бўйича бир ой лекция ўқиб беришди.

Институтимизда «Халқаро иқтисодий муносабатлар» деган кафедра ташкил этганимизга бир йил бўлиб қолди. Энди шу номда куллиёт ҳам очдик. Бу йил факультетга илк талабаларни қабул қилинди. Уларга ўқиш жараёнида чет тилидан сабоқ берилади.

Бундан ташқари, яна бир махсус куллиёт ташкил этилади. Бу куллиётда олий маълумотли кишилар шартнома орқали иккинчи мутахассисликка ўқитилади.

— Охирги савол: XXI асрга ҳам ҳеч қанча вақт қолмади. Инсоният тарихида ўн йил капалак умричалик фурсат эмас. Лекин нафақат йил, балки ой, соат сайин ўзгариш бўлиб турган бизнинг олашовур, нотинч замонамизда ўн йил кейинги вазиятни тасвирлаб беришга унча-бунча одам рози бўлмайди. Шундай бўлса-да, айтинг-чи, ўн йилдан кейин Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий аҳвол қандай бўлади!

— Одамнинг электрон ҳисоблаш машинасидан битта устунлик томони бор. У инсоният тажрибасини тезроқ ўзида мужассамлаштиришга ва генлар орқали уни тарбия топтиришга қодирдир. Бинобарин, яхши кунлар келишига, қорин ғами — оғир дарддан фориғ бўлган халқ ҳар жабҳада — маданиятда ҳам, маорифда ҳам жуда илгарилаб кетишига умид қилса бўлади.

Меҳнаткаш ва истеъдодли халқ яхши яшашга ҳақлидир. Фақат уни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириб туриш керак.

Зайниддин РИХСИЕВ суҳбатлашди.



Иттифоқ бўйлаб

МОСКВА. Мамлакатдаги тақчиллик, қимматчилик пойтахтни ҳам четлаб ўтмади, албатта. Бу ерда ҳам ҳозир кўп жойда бўлгани каби озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари пештахталари бўшаб қолган, баъзида ҳатто дўконларда нон топилмай қолади. Бирор жойга шахсий машинасида чиқмоқчи бўлган киши, ёқилғи захираси билан юрмаса кўчада қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

СУРАТДА: машинани четга чиқариб қўйиб, ёқилғи топилмаса иш чатоқ.

* * *

УКРАИНА ССЖ. Жумҳуриятда радиация таъсир қилган қишлоқлар бирин-кетин бўшаб қолаётир. Чернобиль атом-электр станциясининг қора нурлари 30 километрлик радиус бўйлаб чор атрофни заҳарлаган. Бу жойларда эндиликда умуман яшаб бўлмаслиги илмий исботланди. Фожиадан кейин вақт ўтган сайин қурбонлар сони ортиб бораётир. Ҳозир яна бир неча қишлоқ одамларнинг кўчиб кетишига тайёрланган. Масалан, Ноздришче қишлоғида радиация фони соатига 180 микрорентгенни ташкил қилади, тупроқнинг заҳарланиш даражаси эса цезий бўйича 137—152 кюри.

СУРАТДА: бу чақалоқ ҳам қаттиқ нурланган.

Л. ПАХОМОВА, В. СОЛОВЬЕВА суратлари.
(СИТА).



Бизни ўйлантираётган муаммолар

ТЎЙДАГИ ТЕКИН ТОМОША

...Давробоши қироат билан айтганидек, тўйларимиз тўкин-сочинлик, маъмурчилик, пири-бадавлатлигимиздан нишона, қувонч-у шодликларимиз рамзи! Бу — табиий, албатта. Негаки, замон ўзгараяпти, унга қараб ўзимиз, дунёқарашларимиз ўзгараяпти. Хайрли ният билан қилинаётган маъракаларимиз маҳалла фаолларининг, қарияларнинг аралашуви билан серхаражатликдан ҳоли бўлиб, инсофга келиб қолди.

Мана, тўрда чўғдек қирмизи палослар-у, турфа ранг гиламлар тортиб бўғланган давранинг тўрида ёш келин-куёвлар эмин-эркин, ёзилиб чақчақлашиб ўтиришибди. Келин оппоқ ҳарир либосда, бошида кенг соябонли хорижий шляпа, сийнасида медальон, сочи турмакланган. Гал бермай, ял-ял ёниб, дугоналари томон энгашиб шивирлайди, ёруғ дунёда шу тобда ундан бахтиёр кимса йўқ! Унинг ёнида куёвтўра — эгнида зарбоф тўн-у, бошида жиғали салла. Икки ёшнинг бу ҳолати гўё икки асрни бир-бирига туташтиргандек таассуротлар қолдиради. Улар ёш тўйбошини тез-тез ўз ёнларига чорлашиб, оҳиста шивирлашади:


— Илтимос, биринчи бўлиб яқин дугонам фалончи гапиради, сўнгра дўстимиз писмадончи, иннакейин синглимиз жажжи Нилуга, кейинроқ талабалар келишган — гул базмига ўрин берасиз-да! — Ишқилиб, шунга ўхшаш гап-сўзлар, илтимослар, баъзан буйруқбозликлар.

Давробоши қурни гир айланган кўйи микрафонни судраб гоҳ у меҳмоннинг олдига боради, гоҳ бунисининг. Гоҳо эса табрик ва қутловларни қўшалоқ қилиб ҳам юборади-ю, ўзини қушдек енгил сезади. Бир яқин дўстимнинг ноҳия марказида яшовчи тоғасининг тўйида давробошилик қилишга тўғри келди. Тажрибасизлигим туфайли бироз тараддудланиб, саросимада қолдим. Йўқ, дейин десам, дўстимни кўзим қиймайди. Ишқилиб, даврага файз киритиш баҳонасида уста кўрмаган шогирддек, «ҳар хил мақомга йўрғалай» бошладим. Аввалига табрикловчилар анқонинг уруғига айланди, кейинроқ эса қўзиқориндек урчиб кетишди. Ён дафтарчам исм-фамилияга тўлиб кетиб, саноғига етолмай ҳам қолдим. Бора-бора келин-куёвни табриклаш ким ўзарга мусобақалашишга ўхшаб қолди. Бир пайт барваста бир йигит келиб қулоғимга шивирлади:

— Фалончиевнинг ёнига яна бир боракансиз, сўраяпти, — деб қолди гуноҳкорона бош эгиб. Ярим соатча илгари у меҳмонларга ёқадими-йўқми буни ўйламай, узундан-узоқ ваъз қилиб, вақтни ўғирлаган эди. Аммо начора, меҳмоң кўнгли гулдан нозик, ёнига истар-истамас бордим. У оғир гавдаси билан ноз-неъмат тўла дастурхон узра энгашиб, қўлимдан микрофонни оларкан, ўрнидан озот турди-ю, гапира кетди:

— Бизнинг водий томонларда тўйни, уйин-кулгини чеклаш-чегаралаш, деган гапнинг ўзи бўлмайди. Ахир Шерали Жўраев айтган-ку: «даврани кенгроқ олинг», деб! Ким хоҳласа даврага чиқсин, қани нимага қодирлигини кўрсатсин! Санъаткоримиз Рустамжондан илтимос, классик қўшиқлардан кўпроқ бўлсин! «Муножот» бўлсин, ҳамма ўйинга тушсин! Қани бир қарсак бўлсин-чи!...

Афсуски, бу гапга ҳеч қанақа қарсак-парсак бўлмади. Ҳалиги раҳбар йигитнинг



ёнида ўтирган Димитров посёлка Шўросининг раиси Э. Нормаматовнинг хуноби тағин ҳам ошиб тушди. Шу посёлка маҳалла қўмитасининг котиби Қобил ака Умаров куйиб-пишиб гапириб қолди:

— Э, ука, ҳар гал шу аҳвол, бир тўйда уч-тўрт маротаба нутқ сўзлайди. Бундай ҳуда-беҳуда аралашув, қалтис сақталиклар бу одамни бебурд қилиб қўймаса кошкийди дейман-да!..

Келинни у туғилиб-ўсган ўз қишлоғидан олиб чиқиб кетиш пайтида ҳам аҳлоқ-одоб нормасига сиғишмайдиган эскича расм-русумлар учраб турибдики, ўйланиб қоласан киши. Шу йил «Коммунизм» жамоа хўжалигининг Киров номли участкасидан «Боёвут» давлат хўжалигининг «ЎзССР 40 йиллиги» бўлимига келин олиб боришга тўғри келди. Катта асфальт йўлга чиқаверишда қатор енгил машиналар бир тўда бебош ўсмирлар томонидан йўл устига уйиб ташланган дарахт шохлари-ю, улкан кундаларга дуч келди. Бу боқон ҳам эмас, ростмана «баррикада» эди дейилса, муболаға бўлмас. Боқончилар бошлиғи қудалар томонидан роппа-роса 50 сўм пул талаб қилди. Можаро сал бўлмаса, ур-йиқитга айланиб кетарди ҳам. Қудағайлар, қари-қартанглар аралашиб, тўдани инсофга чақира бошлашди. бўлмади. Қизғин тортишувлар-у, баҳслашувлар устига ўз енгил машинасида «Мингчинор» қишлоқ Шўросининг раиси Ш. Маманов ўтиб қолди. Бироқ боқончилар бўш келишмади, раисни бир амаллаб ўтказиб юборишди-ю, ўз ҳақларини ундиришгач, йўлни очишди.

Қишлоқларимиздаги ана шундай боқончи ёшларга, ҳали ҳам «шоғулоқ» талабгорларига нима дейиш керак? Уларга қарата «ҳой, оғайни эрта-индин ўзинг тўй қиласан, сингил чиқарасан, укангни уйлантирасан-ку, элдан уялмайсанми, ахир?», деб ким баралла айтади? Қишлоқ депутатлари, маҳалла фаоллари қаёққа қарашаяпти ўзи? Битта бўлимда ва ҳатто участкаларда комиссиялар бўла туриб, бир кўчада шу куннинг ўзида уч-тўрт тўй ўтказилаётганлигига нима дейсиз? Умуман, тўй рисоласини ким тузади?

Яна бир гап. Қизлар базмини йигитлар иштирокидаги бемаъни, тўс-тўполон рақс кечасига айлантириб юборишларга ҳожат бормикин? Бундай кечаларда ҳам худди катта тўй куни сингари қушнинг сутидан бўлак жамики ноз-неъматлар стол узра қўйилаётганлиги-чи? Безатиғлик столларда шампань виноси ва арақдан тортиб, хасипгача, парранда гўштигача бор. Қизгинанинг ота-онаси, акалари шу куни эртадан-кечгача, овора-ю сарсон бўлишади. Шу куни икки-уч жуфт ашулачи-ю, ионика, светомузика ялт-юлт ёниб ўтган-кетганни ўзига жалб қилади. Нари борса, қирқ-эллик ёшлар даврада, чор-атрофда юз эллик катта-кичик томошабин. Шу каби даҳмазаларнинг асли кераги йўқ. Кимсан «фалончиевнинг қизи ёки ўғли», деган гап учун қилинаётган тантиликдан нима маъни чиқади?

Илгарилари куёвнавкарларимизни келинникига тинчхотиржамгина олиб бориб келувчи жўрабошилар, кўпни кўрган босиқ ва вазмин қариялар бўлгувчи эди. Энди қолмабди, чамаси. Бу ҳолатни ёшларнинг ўзларига бериб қўйишаётир. Белгиланган алоҳида автобуснинг нақд ярмисидан кўпроғи 5-6 ёшли болалардан иборат. Бир оиладан 7-8 гўдак. Туянинг ўркачидек қишлоқ йўлларидан бу болакайларнинг соппа-соғ тўйхонага бориб қайтишига ким кафолат бера олади?

Тағин бир мулоҳаза. Кўпинча тўй эгалари меҳмон кутаётган фаолларга бот-бот шипшийдилар: «Бу жуда нозик меҳмон, ташқарига эмас, кароват ёки ичкарига ўтқазинг!» Ёмони шундаки, бу ҳолат ҳамманинг кўз ўнгида содир бўлаяпти. Одамларнинг нафсониятига тегаяпти. Назаримда, тўй — ҳамма учун, оддий ишчи-хизматчи учун ҳам, раҳбар учун ҳам бирдек бўлиши зарур.

Тўйларимизда келин-куёв шаънига билдирилажак истаклар, табрик ва қутловларни ҳам бир ўйлаб кўриш керакка ўхшайди. Аниқ эсимда, яқинда бўлиб ўтган тўйларнинг бирида туппатузук бир зиёли киши ҳазрат Навоий байтларини киши билмас Бобурники, деб эълон қилиб юборди. Кўп ўтмай, шу тахлитда Умар Ҳайём ҳам Саъдий билан алмаштирилди. Биров билиб, биров билмай қолди. Гапга чечанлик — бу яхши фазилат, бироқ табриклаётган ҳар бир меҳмон ўзи қатнашаётган даврани, муҳитни, савияни ҳам инобатга олиши керак.

Алқисса, тўйларимиз борасидаги айтилган ва айтилаётган фикрларимиз изсиз қолиб кетмаслиги зарур, йўққа рўй бериб турган нуқсонларимиз кафтга кирган зирапча мисол мадда боғлаб кетади, заҳар тортиб қолади. Бу борада бир-биримизнинг фикримизни худди тўтиқуш сингари такрорлайвериш ҳам очиқ эшикни ҳадеб беҳуда муштлайвериш билан баробар. Тўйларимизнинг сарф-харажатлари хусусидаги гапларимиз қишлоқ оқсоқолларининг ҳамишалик «тиш оғри»га айланиб қолмоғи даркор. Вазифадор, лавозимдор мутасадди раҳбарки тўй-маъракалардаги юқоридаги нохуш воқеаларга қўл силтаб кетдими, бу — унинг ўлгани, тирик мурдага айлангани. Бундайларни улуғ адибимиз Ч. Айтматовнинг манқуртларига қиёс қиламан. Манқуртлашиш — лоқайдлик, бефарқлик уруғларини урчитиб юборади. Оддий қишлоқ деҳқони ҳотамтой раҳбар сингари бўлғуси куёвига қимматбаҳо телпаг-у, четнинг шим-костюмини совға қилолмайди, бола-чақаси бор. Оддий сувчи, ёки тракторчи ҳам бўлғуси келинига ўн беш хил рангин атлас қўйлаг-у, олти юз сўмлик пальто инъом этолмайди.

Ҳа, тўйларимиз мазмунида қанчадан-қанча эзгу ва хайрли ниятлар, қувончу ташвишлар мужассам. Бироқ унинг асл маъноси бир-иккита корчалон кимсаларнинг айби билан худбинлик, манманлик комига тушиб, ғариблашиб қолмаслиги лозим.

М. МЕЛИҚЎЗИЕВ.
Сирдарё вилояти.
Суратказ: Е. БОТИРОВ.

Ёшлар ва қонун

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛСИН



Жумҳуриятимизда жиноятчиликнинг ошиб бораётгани кенг жамоатчиликни ташвишга солаётгани сир эмас. Бу иллатга қарши қандай курашилмоқда? Унинг олдини олиш учун нималар қилиш зарур? Уюшган жиноятчилик ва бошқа хавфли жиноятларнинг кучаяётгани сабаблари нимада? Ҳозир фуқаролар хавотир ичра яшай бошладилар. Қонунчиликда, ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида халқимизни умидлантирадиган ижобий силжишлар бўладими?

Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Прокуратураси тергов бошқармасининг прокурори Эшпўлат БЕГМАТОВ билан шу хусусда суҳбатлашди.

— Сизнинг жумҳурият Прокуратурасида ишлаётганингизга ҳам уч йилдан ошди. Бу жой неча-неча адолатталаб, аламзада инсонларнинг сўнгги умид остонаси десак, янглишмаймиз. Чунки ҳар куни бу ерга юзлаб кишилар мурожаат қилиб келишади. «Ҳақиқат борми ўзи, бу дунёда!» деб илтижоли термулаётган қора кўзларга қараш осонмас. Улар бу даргоҳдан ўз саволларига тўлиқ жавоб топишаяптими!

— Сир эмас, бундан уч-тўрт йил илгари жумҳурият Прокуратураси устидан ҳам шикоятлар, норозиликлар кўп эди. Лекин кейинги икки йилда кадрлар савиясига эътибор янада кучайди. Энди талаб жиддий қўйилмоқда. Ҳали қувонишга эрта бўлса-да, аммо адолат қарор топишига қўлдан келганича эришиляпти. Тергов ишларида ҳали камчиликлар оз эмас.

— Одамларда қонуншуносларга, қолаверса, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига нисбатан маълум даражада ишончсизликнинг борлиги сир эмас. Бунинг туб сабаблари кўп, албатта. Ана шулардан бири амалдаги қонунларимизнинг замини бўшлигидан эмасмикан!

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан. Ҳозир ҳам бизнинг тузумимизда ибтидоий қонунлар ўз кучини сақлаб турибди. Мамлакатда ҳали ҳақиқий, инсонпарвар қонунлар ишлаб чиқилган эмас. Биз эндигина ҳуқуқий давлат сари қадам ташлаяпмиз. Ўн йиллар давомида қонунлар оёқости бўлиб келди. Не-не тақдирлар топталди.

Қайта қуриш, ошкоралик шарофати билан ноҳақ жабрланганлар оқланяпти. Имкони борича йўл қўйилаётган қонунсизликларнинг олдини олишга ҳаракат қилинмоқда.

— Уюшган жиноятчилик ҳозир ҳаммани жуда ташвишга солаяпти. Унга қарши қандай кураш олиб боріляпти! Мисоллар келтира оласизми!

— Биласиз, жиноятнинг нимаси кўп, тури кўп. Босқинчилик, давлат ва фуқаролар мулкини ўғирлаш, одам ўлдириш, номусга тегиш, уюшган жиноятчилик, санайверсам ҳисоби йўқ. Яхшиси, сиз айтаётган уюшган жиноятчиликка оид бир неча мисоллар келтира қолай: 1962 йилда туғилган, илгари беш марта судланган Р. Т. Қозоқбоев деган шахс ҳеч жойда ёлчитиб ишламаган. Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи, ўзига «садоқатли» йигитларни тўплаб катта гуруҳ тузган. Улар анча вақт мобайнида талончилик билан шуғулланиб келишган. 1989 йили бу гуруҳ бир неча шахсий автомашиналарга ҳужум қилган. Пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар туфайли уларнинг ҳаммаси қўлга олинди. Ёки олайлик, Оҳангарон шаҳрида В. Краснов, Р. Асеков, А. Антипов ва Н. Носировлардан иборат ашаддий жиноятчилар гуруҳи «фаолияти» ҳақида ҳам кўпчилик эшитган бўлса керак. Улар ҳам энг замонавий қуроллар билан қуролланиб қатор жиноятлар содир этишган.

— Ўзбекистонда жиноятчиларга қарши курашувчи катта куч бор-ку! Уюшган жиноятчиликнинг пайини қирқиш шунчалик қийинми!

— Биринчидан, бундай гуруҳларнинг раҳбарлари пихини ёрган шахслар. Уларга қўйиб берсанг шайтонга ҳам дарс берадилар. Турли йўллар билан қурол-яроғлар топишган, енгил машиналари бор. Яна бир сабаби: пул — уларнинг худоси. Пул тушадиган, даромад келадиган жойда жонини ҳам аяшмайди, унча-мунча пуллар писанд ҳам эмас. Пул ҳар қандай кўнгли ёмон, нияти қора бўлган одамларни жуда тез бирлаштиради ва тезлик билан ажратиб ҳам юборади.

Бироқ ҳозир бизда ички ишлар бўлимлари ходимларини техник воситалар билан таъминлашга катта эътибор берилмоқда. Талаб ҳам ошириляпти. Жиноят қидирув ходимлари, терговчиларимиз катта жиноятчилар гуруҳларини фош этишяпти.

— Эшпўлат ака, яна бир жиддий «хавф» — жиноятларнинг очилмай қолаётгани жиддий «хавф» — жиноятларнинг очилмай қолаётгани одамларни жуда ташвишга солмоқда. Бу халқнинг ички ишлар органи ходимларига бўлган ишончсизлигини келтириб чиқараётгани сир эмас.

— Ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. Мана менинг қўлимда аниқ рақамлар. 1988 йилнинг ўзида содир этилган жиноятларнинг 59 фоизи очилмай қолган. 1989 йилда эса 2354 та жиноят (Мен буни фақат Тошкент вилояти мисолидагина айтаяпман, холос) очилмаган. Шунинг 244 тасида оғир жиноят содир қилинган. 30 таси ўлим билан тугаган, 43 тасида оғир тан жароҳати олинган, 64 таси талончилик, 35 таси босқинчилик, 1250 тасида шахсий моллар ўғирланган. Мана, кўраяпсизми, бизнинг кемтик жойларимиз қаерда? «Бирники мингга, мингники туманга» деганлари шу-да! Мен сизга яна истаганча мисоллар айтишим мумкин. Лекин рақамлар ва мисоллар билан жиноятчиликнинг асл мезонини ўлчаб бўлмайди...

— Ҳозир етмиш-саксонни қоралаб қолган кексаларимиз билан суҳбатлашиб қолсак, бундан 30-40 йил олдинги даврни алқаб, мақтаб гапириб қолишади: «У замонда шаҳар, қишлоқларда ўғрилар ҳисобли эди. Одам ўлдириш ҳар-ҳар замонда бўлиб турарди. Ҳозир одамларда ҳеч инсоф, диёнат деган нарсалар қолмади» деб. Нега ҳозир жиноятчилар «адолатли совет қонунлари»дан қўрқишмаяпти!

— Тан олиш керак, қонунларимиз энди эскирди. Аммо бизнинг Шарқда ўзимизнинг ҳақиқий инсоний, ҳеч қандай қолип ва қоғозларга сиғмайдиган «темир қонун»ларимиз бўлган. Одамлар у вақтларда бир-бировини ниҳоятда ҳурмат қилган, қадрлаган. Ўғирлик, қотиллик, фоҳишабозлик энг катта ГУНОҲ ҳисобланган.

Мен юқорида «қонунларимиз эскирди» деб айтдим. Ҳозир сиз айтгандек, одамлар қамалишдан ёки милицияга тушишдан сираям ҳайиқишмайди, қўрқмайдилар. Ҳатто, жиноят содир қилиб қамалаётган шахсни елкасига уриб, юпатиб ҳам қўйишади: «Қўй, ўкинма, у ёқдан бу ёққа қарагунча ўтиб кетар. Яна бир-икки йилда худо хоҳласа, чиқариб оламиз» деб. Авваллари-чи? Бир қишлоқдан «бирор одам қамалибди!» деб гап тарқалса, ана шу улуснинг одамлари боши эгик, хомуш юришарди. Бу шу эл учун катта иснод эди-да! Ҳозир эса бир оиладан ҳатто икки-учтасигача қамалиб чиққанлари учрайди. Бугун қамоққа тушиш, жиноят содир қилишдан ҳеч ким ор-номус қилмай қўйди...

Бизнинг мамлакатда қонунчиликнинг издан чиқиб кетганига анча бўлгач. Аслида бу қонунлар эскирмаслиги керак. Чунки улар (ҳар бир мамлакатда) фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари учун хизмат қилиши шарт. Шундагина ҳақиқат эгилмайди ҳам синмайди ҳам...

Норқобил ЖАЛИЛ
суҳбатлашди.

Хориждан хабарлар

ИСЛОҲОТГА ҚАРШИ

ПРАГА. (**СИТА мухбири Борис Бажанов**). ЧСФЖда жиддий ижтимоий норозиликлар хавфи мавжуд, чунки иқтисодий ислоҳот касаба уюшмаларининг фикрини ҳисобга олмай амалга оширила бошланди. Энг катта касаба уюшмаси марказий бўлган «Чехия ва Словакия касаба уюшмалари конфедерацияси»нинг раиси Р. Ковач Прагада журналистлар билан учрашувда шуни айтди. Ушбу конфедерация 60 та турли тармоқ уюшмасида қарийб 6,5 миллион кишини бирлаштирган.

Касаба уюшмалари иқтисодий ислоҳотнинг ижтимоий оқибатларидан ташвишга тушмоқдалар. Уларнинг фикрича, концепция муаллифлари буни ҳисобга олмаганлар. Р. Ковач ЧСФЖ Ҳукуматини ҳанузгача касаба уюшмалари билан қонун лойиҳалари хусусида ва бошқа режалаштирилаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар тўғрисида музокаралар олиб боришдан бош тортиб келаётганлиги учун танқид қилди. Ҳукумат мазкур қонун лойиҳаларини ва ижтимоий иқтисодий тадбирларни касаба уюшмаларига ҳамда жамоатчиликка тўлиқ ишлаб чиқилмаган ҳолда, шу билан бирга кечикиб тақдим этди.

АВТОМАШИНА ЎҒИРЛАШ КЎПАЙМОҚДА

ПЕКИН. (**СИТА мухбири Владимир Орешин**). Автомашина ўғирлаш, афсуски, Хитой пойтахти учун камдан-кам учрайдиган ҳодиса бўлмай қолди. Пекин суғурта компаниясининг маълумотларига қараганда фақат шу йилнинг биринчи ярмида шаҳарда қарийб 260 та автомобиль ўғирланган. Гарчи бунинг аксарияти хусусий шахсларники бўлса-да, дарвоқе, Хитойда шахсий автотранспорт эгалари йилдан йилга кўпаймоқда, ўғрилар давлат машиналарини олиб қочишдан ҳам тортинишмаяпти.

Ҳозирча ўғирланган автомобилларнинг бирортаси ҳам топилгани йўқ ва суғурта компанияси машиналар эгаларига уч миллион юандан кўпроқ товон тўлашига тўғри келди. Пекинда чиқадиган «Фачжи жибао» рўзномасининг фикрича, пойтахтда ўғирликнинг кўпайишига мамлакатнинг талаб имкониятга нисбатан анча кўпроқ бўлган бошқа нохияларида автомобиль бозорининг қониқарсиз аҳволдалиги сабаб бўлмоқда.

Мазкур суратда акс эттирилганлар Натерс шаҳри (Швецариянинг Балле кантони)лик. Улар жаҳонда энг катта ҳисобланган найни намойиш этишмоқда. Улкан чолғу асбобининг узунлиги 2 метру 67 сантиметр, оғирлиги эса 20 килограммни ташкил этади. Ушбу най ижодкори Карл Виссен (ўнгда). У ўз эҳтиросини ҳар йили Натерсда ўтадиган халқ чолғу асбоблари фестивалига бағишлаган.

КЕЙСТОН — СИТА
суратга олган.



ЮНЕСКОНИНГ АХБОРОТИ ТАРҚАТИЛДИ

РИМ. (**СИТА мухбири Александр Тараканов**). Ҳозир сайёрамизда на ўқишни, на ёзишни биладиган бир миллиарддан кўпроқ аҳоли бор. Жаҳондаги саводсизликка қарши кураш билан боғлиқ масалалар юзасидан Римда халқаро конференция ўтказишга тайёргарлик кўрилаётгани муносабати билан бу ерда тарқатилган ЮНЕСКОнинг махсус ахборотида шу ҳақда айтилган. Анжуман 17 ноябрь куни БМТ Бош ассамблеясининг 42-сессияси ташаббуси билан ўтказилаётган халқаро саводхонлик йили доирасида бўлиб ўтади.

ЮНЕСКО ахборотида таъкидланишича, саводсизликларнинг 75 фоизи Бангладеш, Бразилия, Хитой, Миср, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Нигерия ва Покистон каби мамлакатларда яшайди. Бироқ бу соҳадаги энг ташвишли аҳвол Африка мамлакатларида юзага келган. Бу ерда ўқиш ва ёзишни ўрганиш имкониятидан тўла маҳрум бўлганлар аҳолининг 83—88 фоизини ташкил этади.

Шуниси диққатга сазоворки, жаҳондаги саводсизлар миқдори чор-ночор кун кечираётган камбағал кишилар миқдори билан амалда бир хил — улар 1.166 миллион кишини ташкил этади. Қолаверса, сайёранинг оммавий саводсизлик қамраб олган ноҳиялари харитаси ҳам энг камбағал минтақалар харитасига мос келади.

Римда бўлиб ўтадиган конференция, дейилади ЮНЕСКОнинг ахборотида, ушбу муаммонинг кўлами, унинг бошқа масалаларнинг ҳал этилишига боғлиқлиги тўғрисида аниқроқ тасаввур бериши керак.

СОЧИДА ҚУРИЛАДИ

НЬЮ-ЙОРК. (**Сита мухбири Сергей Кузнецов**). Американинг «Вестерн глоубл партнерз» компанияси Кавказнинг Қора денгиз соҳилидаги совет курорт-шаҳри Сочида меҳмонхона билан ишратгоҳ қуриш хусусида шартнома имзолангани тўғрисида хабар қилди. Унинг қароргоҳи Техас штатининг Остин шаҳрида жойлашган.

Ассошиэйтед пресс ахборот агентлигининг хабар қилишича, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун Совет-Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Бу корхона 350 номерли меҳмонхона билан ишратгоҳ қурилишини бир ярим йил ичида тугаллаши лозим. «Вестерн глобул партнерз»нинг ижрочи директори Кеннет Брауннинг айтишича, у Совет Иттифоқида ҳозирнинг ўзидаёқ ишлаб турган бир неча ишратгоҳ ўртасида энг каттаси бўлади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

НОГИРОНЛАР АРАВАЧАСИДА САЁҲАТ

● 44 ЁШЛИ ҳинд Рам Тиртх Агравал ногирон бўлишига қарамасдан Умумҳиндистон тиббиёт фанлари институтининг соғлиқни тиклаш бўлимида етакчи мутахассис бўлиб ишлайди.

У 10 ёшида иккала оёғидан ҳам ажралган эди. Лекин у кучли ирода соҳиби экан — жуда яхши маълумот олди — эндиликда ҳиндистонлик 80 миллион ногиронлар саломатлиги учун қайғурмоқда.

Яқинда бошлаган саёҳатини ҳам тақдирдошларига бағишлади. У Деҳлидан мамлакатнинг энг жанубий нуқтаси — Канниякумари шаҳригача ногиронлар аравачасида бормоқчи. Бу билан ногиронларнинг аянчли аҳволига ҳукуматнинг, жамоатчиликнинг эътиборини жалб этмоқчи.

Бундай саёҳат Агравал ҳаётида биринчиси эмас. Ўтган йили ҳам худди шу мақсад билан Деҳлидан Бомбейгача борган эди. Бу гал 4 минг километрдан ортиқ йўлни босиб ўтади.

ОМАДСИЗ КУЁВ

● ИТАЛИЯЛИК Тулио Чезарега куёвлик сарупоси бахт келтирмади. У бўлажак қаллиғи билан никоҳ ўқитиш учун ибодатхонага кириб кетишаётган пайтда йиқилиб оёғини синдириб олди. Дўстлари кўтариб машинага олиб кетаётганда, қоқилиб кетишиб, бечорани ерга тушириб юборишди. Натижада Тулионинг умуртқа суяги лат еди. Қимирлатиш хавфли бўлиб қолди, шунинг учун «тез ёрдам» машинаси чақиришди.

Тулионинг омади йўқлигини қарангки, ҳатто «тез ёрдам» машинаси ҳам уни касалхонага олиб кетаётганда автоҳалокатга учради.

Ва ниҳоят бир амаллаб куёвни касалхонага олиб боришган ва махсус хона деразаси ёнидаги кароватга етказишган эди... деразага қоқилган карниз унинг устига тушиб, бир неча жойини тилиб кетди.


Омадсизлик бир келса қўша келаркан-да! Тулиога шунча кўргилик етмагандек бўлажак қаллиғи ҳам унга турмушга чиқишдан воз кечди.

ҲАЗИЛ УЧУН 25 МИНГ ГУАРАНИ ЖАРИМА

● ПАРАГВАЙДАГИ Роҳас-Сильва шаҳри аҳолиси эрталаб шаҳар майдонидаги столбада осилиб ётган одамни кўришиб ёқа ушлашди. Шу заҳоти полиция ҳам етиб келди. Ранглари қув ўчганча қутқарув чораларини кўришди.

Хайрият одамни осишмаган экан, бу — одам бўйи баробар қўғирчоқ экан. Лекин шундай бўлса-да, полициячиларнинг жаҳли чиқди. Ҳазилкашларни бирпасда топишди. Улар икки нафар бекорчихўжа бўлиб, «доимий» талабалардан экан. Ҳазил учун суд уларнинг ҳар бирига 25 минг гуаранидан жарима солди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ



РУҲЛАР ҚЎЛЛАГУВЧИ ХОНАНДА



«Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасму», дейди доно халқимиз. Эл-юртнинг, халқнинг дуоси олтиндан-да қимматроқ. Буни хонанда Маҳмуджон Азимов фаолиятида яққол кўриш мумкин. Бундан бор-йўғи уч йил аввал хонанда билан биргаликда Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитасининг ташвиқот поездида Бекобод ноҳиясига борган эдик. Ўшанда уни илк бор кўришим эди. Учрашув пайтида: «Ҳозир бир қўшиқ айтаман. Кимнинг шеъри эканини ва қай даражадалигини айтасизлар», деган гапи ҳануз ёдимда. Сўнг у торини жаранглатиб, «Самарқандга борсам мен агар», дея хониш бошлади. Орага сукунат чўкди. Барча бутун вужуди билан сермаъно қўшиқни берилиб тинглади. Ўшанда бу қўшиқнинг иккинчи бор ижро этилиши экан. Унинг қай даражада эканлигини узоқ давом этган гулдурос қарсаклар баҳолаганди.

Орадан уч йил ўтди. Шу давр ичида хонанданинг номи кўпчиликка танилди. Ширадор овози эл тилига тушди. Сабаби у халқнинг дуосини олди. Авваламбор у ўзини доимо одамлар орасида кўришга интилди. Чунки одамзодни яйратадиган ҳам, йиғлатадиган ҳам қўшиқ. Лекин қўшиқни яратгувчи ҳам одамларнинг ўзи. Айниқса, Маҳмуджоннинг ҳали ҳеч ким куйлаб улгурмаган қўшиқларни куйлаши — аждодларимизни улуғлаши санъат шинавандаларига янада тезроқ яқинлаштирди, хонанда ҳақидаги фикрларини тиниқлаштирди. «Файзулла бобо», «Абдулла Қодирий», «Усмон Носир»... Халқнинг энг азиз, марду майдон ўғлонларини қўшиқларида алқади у. Уларга қайта умр бахш этди. Унутилган, унутилаётган боболаримиз руҳларини қўшиқларида етаклаб, қайтадан ҳар бир ўзбек хонадонига етаклаб кирди. Шу боис у тингловчилар, санъат шинавандалари, эл-юрт қалбидан жой олди. Шу боис уч йил ичида айрим хонандалар йиллар давомида эришмаган ютуқларга эришди. Улар ололмаган обрў, ҳурматга сазовор бўлди.

Маҳмуджонга бу қадар одамшавандалик, камтарлик, асли отаси Мақсуд акадан ўтган. Нафақат отаси, фарзандлари дастурхон атрофида тўпланишганда онаси Инобат опа ҳам каттаю-кичикни бирдек ҳурмат қил, одамлардан яхшилигингни аяма, уларнинг назаридан қолма, деб ҳамон ўгит айтишади. Ўрта мактабда ўқиб юрган кезлари бадиий тўгарак раҳбари Ғуломназир ака ҳам илк бор унинг қўлига тор тутганда санъаткор халқ учун фидойи бўлсагина шуҳрат топади, деб айтар эди. Маҳмуджон шуҳрат ахтармади. Аксинча, одамларга қилган хизмати ҳадя этган ажойиб қўшиқлари, вақтини аямасдан узоқ-яқин сафарларда бўлгани эвазига шуҳратнинг ўзи уни излаб келаяпти. Қаранг, хонанда «Парвоз» дастасида фаолият кўрсатиш билан бирга, ёшларнинг турли тадбирларида, «Ёш ленинчи» рўзномаси байрамларида энг фаоллардан ҳисобланади. Жумладан, рўзноманинг Чуст, Денов, Гулистон ноҳияларида ўтган байрамлари файзига-файз қўшди. Халқимизнинг севимли Наврўз айёмида комсомол ташвиқот поездида Ургут ноҳиясида бўлиб, қўшиқлари билан одамлар юрагига завқ улашди. Хонанда қаерда бўлмасин, тингловчилар дилига йўл топишга, уларнинг дардига қулоқ тутишга уринади.

Шу ўринда бир воқеани эсладим. Чуст ноҳиясида «Сумбула» байрами ўтказилаётган пайт эди. Боғда тумонат одам унинг хонишларини ҳузур қилиб тинглади. Концерт тугади. Унинг иштирокчилари бир пиёла чой устида суҳбатлашиб ўтиргандик. 40 ёшлар чамасидаги киши қўлида баҳор гулларидан кичкина даста кўтариб кирди. Хонанданинг ёнига ўтириб, кўзида ёш билан унга гулни бердида, «Афғонда қолган баҳодирлар» қўшиғини эслади. Унинг укаси ҳам афғон қурбони эканлигини айтди. Аммо қўшиқни тинглай олмагани, кечикиб келганини ҳам гапирди. Шунда Маҳмуджон ўзининг нақадар ҳақиқий инсон эканлигини, камтарин санъаткор экалигини яна бир карра кўз олдимизда исботлади. Ўтирганлардан узр сўраб, бояги тингловчининг сазаси учун қўлига тор олди. Биз кўпчилик қўшиқ давомида гоҳ Маҳмуджонга, гоҳ унинг ёнида даструмол ушлаб ростмана йиғлаётган бояги кишига қарадик. Шу зайл бояги одамнинг юки енгиллашди. Ўкинчлари тарқаб, хонандага минг бор раҳматлар айтиб, чиқиб кетди. Ҳа, чинакам халқ санъаткоригина шундай қилиши мумкин.

Яна бир мисол. Бизда шеърини қўшиқ қилиб айтиб, ўша шоирнинг ўзини танимайдиган хонандалар ҳам топилади. Маҳмуджон Қодир Деҳқоновнинг «Мирза Бобур» номли қўшиғини меҳр билан айтади. У яқинда ижодкорнинг вафот этганини эшитиб қолди. Вақт топиб, Фарғонанинг Бувайда ноҳиясига марҳумнинг хонадонига борди. Фотиҳа ўқиб, руҳини шод этди. Бугунги кунда худди мана шундай ҳислатлар, эзгу-фазилатлар камёб бўлиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Хонанда эришаётган ютуқлар ана шундай дуолар, олқишлар эвазига бўлаяпти. Бундан ташқари у жуда изланувчан, тиришқоқ. Кўрган, эшитганларидан қўшиқ ахтаради. Бўлмаса Ҳиндистонда юриб ҳам санъатни ўйлармиди. Тожмаҳални кўриб, таъсирланганида албатта шу ҳақда куйлашни дилига тугди. Сафардан қайтибоқ Муҳаммад Юсуфнинг «Алвидо» шеърини куйлашга киришди. Ҳадемай, бу қўшиқ ҳам унинг «Бебаҳо дурдонасан», «Гулшанда ёр кўринди», «Бободеҳқон»лари каби тингловчилар қалбига ўрнашади.

Маҳмуджон фаолиятида шоир Муҳаммад Юсуфнинг, журналист Дадахон Ёқубовнинг алоҳида ўрин тутишини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиздир. У хониш қилган қўшиқларнинг 50 фоизи шу шоир қаламига мансуб. Қолаверса, қўшиқларининг кўпи «Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари» кўрсатуви мазмунини бойитади.

Ҳар бир инсон ҳаётда ўрганиб яшайди. Кимларнидир орзу қилади. Уларга ўхшасам дейди. Бу — ҳаёт қонуни. Маҳмуджон ҳам санъат борасида Фаттоҳхон Мамадалиев, Ориф Алимаҳсумов, Маҳмуд Тожибоев, Маҳмуд Йўлдошев каби ўзбек миллий қўшиқларининг катта карвонларига эргашади. Уларни жон-дили билан тинглайди. Тез-тез суҳбатлашиб, сабоқ олади.

Шу кунларда ҳам у бир олам ниятлар билан машғул. «Алвидо» номли катта пластинка ҳамда «Абдулла Қодирий» номли кичик пластинкалар ҳадемай тингловчилар қўлига тегади. Бундан ташқари қўшиқ санъатида ўзи яратган хотира жанри хусусида фильм-концерт яратиш нияти бор. Учинчи эзгу нияти эса, ўзи истиқомат қиладиган Тошкент ноҳиясида даста тузиш. Бу борада мутасадди кишилар билан маслаҳатлашиб, елиб-югуриб юрибди. Ҳар қалай режаси амалга ошиши шубҳасиз. Чунки халқ учун, одамлар учун қилинган меҳнат зое кетмайди. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига муносиб номзод Маҳмуджон Азимов ўз халқини, унинг муносиб фарзандлари руҳини алқаб кам бўлаётгани йўқ. Ахир отабоболаримиз энг яхши одамларга «Арвоҳлар ёр, пирлар мададкор бўлсин», деб фотиҳада ният қилишган. Биз ҳам иқтидорли хонандага бундан буёнги фаолиятингизда ҳам руҳлар мададкор бўлаверсин, деймиз.

Муқаддас СОЛИҲ қизи.
Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

Диққат, конкурс!

БИР СЎМГА... ХОРИЖГА

боргингиз келса, конкурсда қатнашинг

Яқиндагина Италияда ўтган жаҳон чемпионатини мамлакатимиз футбол мухлислари ҳамон алам билан эслашмоқда. СССР терма командаси яна инқирозга учради, орзуларимиз яна ушалмай қолди.

Олдинда эса янги синовлар; ишқибозлар Анатолий Бишовец раҳбарлигидаги терма команда ўйинларини ҳаяжон билан кузатишяпти, 3 ноябрь куни бўладиган Европа чемпионатининг саралаш ўйинларини сабрсизлик билан кутишяпти.

«Ёш ленинчи», «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» рўзномалари Марғилон шаҳар комсомол қўмитасининг «Ишонч» ёшлар илмий-техника ижодкорлиги маркази билан ҳамкорликда Европа чемпионатига бағишланган футбол конкурсини ўтказишга қарор қилди. Конкурс жюриси ҳайъати қуйидаги саволларни сизларга ҳавола этади:

1. Европа чемпионатининг 3 ноябрь куни бўладиган Италия — СССР командалари саралаш ўйини қандай ҳисоб билан тугайди?

____

2. Футболчиларимиздан ким биринчи бўлиб Италия дарвозасига тўп киритади?

____

3. «Пахтакор» командаси бу йил биринчи лига мамлакат чемпионатида нечанчи ўринни эгаллайди ва қанча очко тўплайди?

____

4. Биринчи лигада дастлабки уч ўринни қайси командалар эгаллайди? Қайси команда тўртинчи ўринни олади ва олий лигада охирги ўринни эгаллайдиган командани айтинг. Булар ўртасидаги «ўтиш» ўйинлари қандай ҳисоб билан якунланади?

____

5. Иккинчи лиганинг шарқий минтақасидаги қайси команда биринчи лигага йўлланма олади?

____

Конкурс шартига кўра саволларга жавобларни рўзномадаги жадвалга ёки ўзингиз алоҳида варақка ёзиб юборинг.

Жавобларни чекланмаган кўринишда (вариантда) юбориш мумкин. Фақат ҳар бир кўринишдаги жавоб учун бир сўмдан қуйидаги ҳисоб счётига ўтказиш шарт:

Тошкент шаҳри, ҳисоб счёти 000609013 Киров ноҳияси турар-жой ижтимоий банки — МФО — 734321.

Шундан кейин тўлов квитанциясини жавобларга қўшиб таҳририятимизга юборинг.

ИЗОҲ: дейлик саволларга беш хил кўринишда жавоб ёзаяпсиз, демак алоқа бўлими орқали 5 сўм, 10 хил кўринишдаги жавобга 10 сўм тўланади. Жавобларни тўлов квитанцияси билан биргаликда таҳририятимизга юборишингизни ва конверт устига «Конкурс-90» деб ёзиб қўйишни унутманг.

Саволларга тўлиқ, тўғри жавоб топганлар учун иккита пул мукофоти — ҳар бири **1000 сўмдан;**

жавоб тўлиқлиги бўйича иккинчи ўринни олганларга тўртта мукофот — **500 сўмдан;**

учинчи натижалар учун бешта мукофот — **200 сўмдан** ҳамда халқаро ёшлар лагерига иккита бепул йўлланма.

Энг кўп жавоб вариантини тўлдирган футбол ишқибозига **хорижга бепул йўлланма** берилади.

Биринчи ва иккинчи ўринларга даъвогарлар натижалари бир хил бўлиб қолган тақдирда пул мукофотлари улар ўртасида тақсимланади.

Ёшлар халқаро лагерлари ва хорижга йўлланмаларга ҳам даъвогарлар кўпайиб кетса-чи? Унда даъвогарларнинг ўзлари ва конкурс жюриси ҳайъати аъзолари иштирокида қуръа ташлаш йўли билан ғолиблар аниқланади.

Шундай қилиб конкурсимизда иштирок этувчи футболбилағонларига омад тилаймиз. Жавобларни 15 октябргача қуйидаги манзилгоҳга жўнатинг:

Тошкент шаҳри, 700029, Намойишлар Хиёбони, «Ўзбекистон физкультурачиси» — «Физкультурник Узбекистана» таҳририяти ёки Тошкент шаҳри Ленинград кўчаси, 32, «Ёш ленинчи» рўзномаси таҳририяти.

Тушган маблағлар ёшларнинг илмий-техника ижодкорлиги ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини рағбатлантиришга сарфланади, бир қисми конкурс ташкилотчилари ҳисобида қолади.

Саволлар билан қуйидаги телефон номерларига қўнғироқ қилишингиз мумкин: **39-43-75, 39-43-20.**

«Ёш ленинчи»: **32-55-81, 33-95-97.**

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрининг 58-мавсуми Фитратнинг режиссёр Б. Назаров томонидан саҳналаштирилган «Абуд Файзхон» тарихий драмаси спектакли билан очилди. Бу драма олдинги театр мавсуми охирида саҳналаштирилган эди, лекин шу қисқа вақт ичида томошабинларнинг энг севимли спектаклларидан бирига айланди.

Спектаклнинг муваффақияти бош ролни ижро этган, жумҳуриятда хизмат кўрсатган артист Х. Амирқуловнинг маҳорати билан боғлиқ. Спектаклда Маинон Уйғур номли Тошкент Давлат институтини битирган кўпгина ёш артистлар ҳам иштирок этишмоқда.


Театрнинг яқин вақтга мўлжалланган режаларида А. Казанцевнинг «Эски уй» пьесаси асосида спектакль тайёрлаш иши ҳам бор.


ЎЗИГА ХОС ЮБИЛЕЙ

О. Хўжаев номли Сирдарё вилоят мусиқали драма театри ўзининг 15 йиллигини нишонлади. Театрнинг номига фақат Тошкентдан эмас, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам табрикномалар келди: театр бу жумҳуриятларда бир неча бор гастроль томошалари кўрсатган.

Мирзачўлдаги бу биринчи давлат театри бундан 15 йил олдин барпо этилган эди. Шу вақт ичида 70 дан ортиқ спектакль қўйилди. Театр труппасида жумҳуриятда хизмат кўрсатган артистлар Шафоат Раҳматуллаева, Абдуҳамид Ғафуров каби саҳна усталари етишиб чиқди.

Театр ҳозирча вақтинчалик бинода ишламоқда. Янги йил бошларида эса ёнғиндан сўнг тикланаётган ўз биносига кўчиб ўтади. Труппа янги мавсумда Шекспирнинг «Қирол Лир» драмасини саҳналаштира бошлади, сўнгра Гоголнинг «Ревизор» асарига ўтиш режалаштирилган.





БАЛЛИ, ҲАМКАСБЛАР!

25—29 сентябрь кунлари пойтахтдаги «Буревестник» спорт комплексида теннис бўйича журналистларнинг I Бутуниттифоқ мусобақаси бўлиб ўтди.

Унинг ташкилотчилари СССР ва Ўзбекистон журналистлар уюшмалари ҳамда «Здоровье» Халқаро ассоциациясининг Тошкент филиалидир.

Мусобақаларга Тошкент, Москва, Ленинград, Киев, Олмаота, Тбилиси, Ереван, Куйбишев, Челябинск, Львов, Новосибрск каби Иттифоқимизнинг бир қанча шаҳарларидан журналистлар ташриф буюришди. Теннис кортларида пойтахтлик 5 нафар ҳамюртларимиз ҳам Ўзбекистон журналистлари шарафини ҳимоя қилди. Улар орасида Ўзбекистон телеграф агентлигининг сураткаши Алишер Рихсиев ҳам бор. Мен Алишер акани Москва вилоятининг «Вперед» ноҳия рўзномаси мухбири В. Кашин билан «куч синашаётган» маҳалда учратдим (суратда).

— Бокс билан узоқ йиллар шуғулланганман, — дейди Алишер ака мен билан суҳбатда. — Лекин теннис ҳам ёқиб қолди.

Мусобақа кунларида кўп ҳамкасблар билан суҳбатлашдим. Уларнинг ҳаммаси бундай тадбир ўтказилаётганидан мамнун эканликларини баён этишди.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТЛАРДА: мусобақа пайтида.
МУАЛЛИФ суратга олган.

ЖУМҲУРИЯТ МУЗЕЙИНИНГ БЎЛИМИ

Бўстон шаҳри аҳолиси Қорақалпоғистон давлат ўлкани ўрганиш музейининг бу ерда очилган бўлимида Орол атрофида жойлашган Элликқалъа воҳасида қадимдан яшаб келаётган халқнинг анъаналари, тарихи ва маданиятини энди яхшироқ ўргана олади. Шу вақтгача хусусий йиғмаларда ва оқсоқолларнинг уйларида сақлаб келинган қадимий бебаҳо буюмлар, моҳир ҳунармандлар ясаган буюмлар янги музейда намойиш этилмоқда.

Экспозиция учун уларни танлаш анча олдин бошланган эди. Ниҳоят, дастлабки томошабинлар уларни кўришга муваффақ бўлдилар. Москва ва Ленинград музейлари томонидан берилган нодир топилмалар ҳам тез орада ушбу экспозицияларни тўлдиради. Бу буюмлар 50-йилларда археолог С. Толстов экспедициясининг шу жойлардаги қазилмалари чоғида топилган.

(ЎзТАГ).

ТВ

3 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● **ЎзТВ I**

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Алгоритмик фикрлаш усулларини шакллантириш. 12.00 «Бобомурод Ҳамдамов куйлайди». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 12.35 Тасвирий санъат. Тасвирий санъат нима? 13.05 Такрорий фильмлар экрани. «Сиздан угина — биздан бугина». Бадиий фильм.

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Велосипедим қочиб кетди». Мультфильм. 18.20 «Якка тартибда уй-жой қуриш муаммоси» (такрор.). 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Изларингни излайман...». «Прометей» қидирув клуби фаолияти ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Камолот сари». Замира Номозова, Мажидхон Саидов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● **МТ I**

7.00 «120 минут». 9.05 Болалар хорлари конгресси. 9.35 «Катта танаффус». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.40 Л. Тимофеева чалади (фортепьяно). 11.00 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 13.00 «Вақт».

* * *

16.15 Болалар учун фильм. «Хазиналар ороли». 1-серия («Ленфильм»). 17.20 «Мусиқий хазина». 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 «Вақт». 19.30 Пибоди консерваторияси симфоник оркестрининг концерти (АҚШ). 20.25 «Катта танаффус». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Футбол. Европа чемпионлари кубоги. 1/16 финал. «Спартак» (Москва) — «Спарта» (Прага). В. И. Ленин номидаги Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — Долзарб интервью. 23.50 «Таллинн ҳайвонот боғи». Телевизион ҳужжатли фильм (Таллинн). 00.20 «Мен сизга куйлаб бераман». Қўшиқлар муаллифи ва ижрочиси Алексей Колосов ижоди ҳақида. 00.45 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/16 финал. «Динамо» (Киев) — «Куопион паллосеура» (Финляндия). Киевдан кўрсатилади. 02.25 «ТСН».

● **МТ II**

17.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Умр бўйи омадим келаяпти..». 1-кўрсатув. (Краснодар). 18.00 К. М. Вебер. «Оберон» операсига ёзилган увертюра. 18.10 «Тақиқланган шаҳар». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм. «Хитой маданияти» туркумидан. 5-серия — «Император Цаньлун ҳаёти». 6-серия — «Императорлар боғи». 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Мактаб қўнғироғи ҳақида» (Ульяновск). 19.55 «Севимли шеърлар сатрлари». СССР халқ артисти Т. Доронина С. Есенин шеърларини ўқийди. Фильм-концерт. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! 20.45 «Матбуот клуби», ижодий уюшмаси таклиф этади...». 21.20 Коллаж. 21.25 Теннис. Халқаро турнир. «Крафт женерал фудс». Хотин-қизлар. 22.15 СССР Олий Совети сессиясида. 23.15 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 00.15 «Ака-ука Риколар». Телевизион бадиий фильм. 1-серия («Беларусьфильм»).

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-51-65
ИНДЕКС 64607
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. 23585.